



МУСТАКИЛ ЮРТ ФАЛЛАСИ

42.112

М54.

МУСТАКИЛ ЮРТ ҒАЛЛАСИ

ТОШКЕНТ-“ЎЗБЕКИСТОН”-2003



384256

42.112
M 54

**Мустақил юрт ғалласи / — Т.: «Ўзбекистон»,
2003. — 136 б.**

ББК 42.112

M 080400000-103 2003
M 351(04) 2003

ISBN 5-640-03171-9

© «ЎЗБЕКИСТОН» нашриёти, 2003 й.



ЎЗБЕКИСТОН ФАЛЛАКОРЛАРИГА

Азиз дўстлар!

Сиз, лафзи ҳалол деҳқонларимизнинг йил бўйи белни маҳкам боғлаб қилган фидокорона меҳнатингиз туфайли мамлакатимизда илк бор 5 миллион 100 минг тонна дон ҳосили етиштирилиб, фаллачилик соҳасида тарихий маррага эришилди.

Мен барчамизга фурур ва ифтихор баҳш эта-
диган мана шу меҳнат фалабаси билан, аввало,
фаллакорларимизни, қишлоқ хўжалиги соҳаси
меҳнаткашларини, бутун ҳалқимизни чин дил-
дан самимий табриклайман. Кўлга киритилган бу
улкан ютуқнинг моҳияти ва аҳамиятини тасав-
вур этиш учун 1990—1991 йилларда республика-
миз бўйича ўртacha 940 минг тонна фалла йиғиб
олинганини айтиб ўтиш кифоя, деб ўйлайман.

Айниқса, бу йилги мавсумда республикамиз
бўйича сугориладиган майдонлардан ўртacha 44
центнердан, Андижон вилоятида 75,1, Самар-
қанд вилоятида 53,2, Наманган ва Фарғона ви-
лоятларида қарийб 50 центнердан ҳосил олин-
гани ўзбек деҳқонининг нималаргā қодирлиги-
ни яққол намоён этиб турибди.



Бу бекиёс зафар халқимиз ризқ-рўзини бутун қилиш, мустақиллигимизнинг иқтисодий асосларини мустаҳкамлаш мақсадида бундан бир неча йил аввал ўзимизга белгилаб олган йўлимизнинг нечоғли тўғри эканини яна бир бор кўрсатади. Бунинг замирида кўп-кўп омиллар қатори одамларимизнинг ерга, мулкка бўлган муносабати, эгалик ҳиссиёти тубдан ўзгариб, ўз меҳнатидан манфаатдорлик туйфуси кучайиб бораётгани мужассам, десак, асло хато бўлмайди.

Айни вақтда қишлоқ хўжалиги, хусусан, галлачилик соҳасида уруғчиликка алоҳида эътибор қаратиш, илгор агротехнологияларни кенг жорий этиш, моддий манфаатдорлик ва рағбатлантириш механизмларини янада такомиллаштириш, хўжаликлар билан тайёрловчи ва хизмат кўрсатувчи ташкилотлар ўртасида шартнома интизомини мустаҳкамлаш масалаларида олдимизда қатор вазифалар турганини ҳам унутмаслигимиз даркор.

Мен ўзбек деҳқончилик мактабига хос энг яхши анъаналарни давом эттириб, бойитиб келайтган қишлоқ меҳнаткашлари ушбу хўжалик йилида бошқа соҳаларда ҳам янги-янги муваффақиятларни кўлга киритишларига тилақдошман.

Бугунги қувончли кунда галлакорларимизга, моҳир механизатор ва комбайнчиларга, ишбильармон фермерларимизга, барча туман ва вилоятлар раҳбарларига мамлакатимизнинг иқтисодий салоҳияти ва қудратини ошириш, халқимизнинг турмуш даражасини янада яхшилаш йўлида



сидқидилдан қилаётган меҳнатлари учун чин
қалбимдан самими миннатдорлик изҳор этаман.

Сизларга ва оила аъзоларингизга ҳамиша си-
ҳат-саломатлик, баҳт ва саодат, ишларингизда
омад ёр бўлишини тилайман. Меҳнатингизнинг
роҳатини кўринг, ҳеч қачон кам бўлманг, азиз-
ларим!

*Ислом Каримов,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти
2003 йил 6 август*





Яратганга минг бор шукрки, ўз донимизга, ўз беминнат ионимизга эга бўлган шу кунларга ҳам етиб келдик.

Ислом КАРИМОВ

КИРИШ

Ўзбекистон фалла мустақиллигига эришди. Яқин-яқингача аҳоли эҳтиёжи учун зарур бўлган бир неча миллион тонналик дон минг машақ-қатлар эвазига четдан келтирилган мамлакатда қисқа вақт ичида ҳақиқий мўъжиза юз берди. Кечагина юз минг тоннанинг нари-берисида буфдой этиширилган ўлкада бугун миллион-миллион тонналик олтинранг хирмонлар товланиб турибди.

Истиқлолгача пахтадан бошқа экин экилмаган далаларда бугун минг-минглаб гектарлик фаллазорлар денгиздек мавжланиб ётибди. Энди ўзбек деҳқонининг омбори донга тўла, дастурхонидан ўз нони узилмайди. Бугун Ўзбекистоннинг фаллачиликни ривожлантириш борасида ҳам бекиёс имкониятларга эга эканлиги ҳеч кимга сир бўлмай қолди. Айни чоғда юртимизда гектаридан 70—80 центнердан ошириб сара дон олаётган омилкор деҳқонлар жуда кўплаб топилади. Уларнинг баъзилари ҳатто юз центнерлик маррани забт этишга ҳам муваффақ бўлишашапти. Мутахассислар эътирофича, республикамизда фалла ҳосилдорлигини ошириш, унинг маҳаллий



түпроқ-икълум шароитига мос, истиқболли навларини яратиш борасида олиб борилаётган изланишлар келажакда янада янги натижалар берипши мумкин.

Ҳаётда оддий бир янгиликдан тортиб, оламшумул foяларнинг пайдо бўлиши ва амалга ошиши енгил кечмайди. Шу маънода, Президент Ислом Каримовнинг шахсан ташаббуси билан бошланган Ўзбекистоннинг фалла мустақиллигига эришиш сиёсати ҳам осонликча амалга ошгани йўқ. Зотан, бундай кенг қамровли саъй-ҳаракатларни муваффақиятли тарзда поёнига етказиш оддий деҳқондан тортиб, мутахассислар, раҳбарлардан ҳам жуда катта масъулият талаб этди.

Энг асосийси, фалла мустақиллигига эришиш Ўзбекистоннинг иқтисодий мустақиллигига ҳам бевосита дахлдор эди. Мазкур китобда ана шундай мураккаб бир шароитда амалга оширилган ишлар, бу йўлда дуч келинган қийинчилик ва муаммолар қай тарзда бартараф этилганлиги хусусида ҳикоя қилинади. Юртимизда фалла етишириш салмоғининг йилдан-йилга ошиб бориши, ҳосилдорликнинг юксалиш омиллари таҳлил қилинади. Деҳқон ва мутахассисларнинг эришилган ютуқлар аҳамияти хусусидаги фикрлари қаламга олинади.

Очиғи, истиқлол йилларида мамлакатимизда дон мустақиллигига эришиш йўлида ҳаётга жорий этилган кенг қамровли тадбирларни ихчам



бир китобда батафсил ҳикоя қилиш имкони йўқ. Бу мавзуда яна қўплаб китоблар битилиши, шубҳасиз. Чунки ўзбекнинг ўз донига, ўз нонига эга бўлиши истиқлол йилларида қўлга киритилган энг улкан ютуқлардан бири сифатида ҳам теран мазмун-маъно касб этади.



Ислом КАРИМОВ:

Ҳозирги кунда пахтачилик билан бир қаторда ғаллачилик ҳам қишлоқ хўжалигининг етакчи соҳасига айланиб бораётгани айниқса эътиборга сазовор.

Фалла етиштириш маданияти такомиллашиб бормоқда, республиканизнинг мураккаб иқлим шароитига мослашган янги, серҳосил буғдой навларини яратишга қаратилган селекция ишлари яхшиланмоқда, етиштирилаётган доннинг сифати ва истеъмол хусусиятлари ҳам сезиларли даражада ошмоқда. Энг муҳими — одамларнинг, биринчи навбатда дехқонларнинг ерга, ўз меҳнатининг натижасига бўлган муносабати тубдан ўзгармоқда.

Бугун барчамиз қишлоқда ишлаб чиқариш ва мулкчилик муносабатларини ислоҳ қилиш, дехқон меҳнатини рағбатлантириш нақадар улкан самара беришини ғаллачилик соҳаси мисолида яққол кўришимиз мумкин.

Сўнгги беш йил ичида сугориладиган ерларда фалла ҳосилдорлиги икки мартадан зиёд ортди ва бугунга келиб ҳар гектар ҳисобига ўртача 43—45 центнерни ташкил этмоқда. Лекин бу ҳали



чегара эмас. Кўплаб хўжаликлар гектаридан 75—80 центнердан ҳосил кўтаришмоқда.

Бу йил мамлакатимиз бўйича, насиб этса, жами 5 миллион тоннадан зиёд дон етиширилади. Ўз моҳият эътиборига кўра бу қадар улкан фалабани бундан атиги 5—6 йил аввал, яъни биз мамлакатимизда фалла мустақиллигини таъминлашга қаратилган Миллий дастурни амалга оширишга киришган пайтларимизда фақатгина орзу қилиш мумкин эди, холос.

Киёслаш учун шуни таъкидлашимиз керакки, 1990—1991 йилларда ҳаммаси бўлиб Ўзбекистонимизда 940 минг тонна фалла етиширилган, ўртача ҳосилдорлик эса 17 центнерни ташкил қиласан. Яъни, ўтган давр ичида фалла ишлаб чиқариш 5,5 карра ўсган.

Бугун мана шу юксак минбардан туриб, барча фаллакорларимизга, лафзи ҳалол, мард ва танти деҳқонларимизга, барча қишлоқ меҳнаткашларига, хўжалик, туман ва вилоят раҳбарларига Ватанимизнинг қудрати, ҳалқимизнинг фаровонлигини ошириш йўлида қилаётган фидокорона меҳнатлари учун чин қалбимдан самимий миннатдорлик изҳор этиш менга чексиз мамнунийт бағишилайди.

*Президент Ислом Каримовнинг
Вазирлар Маҳкамасининг
2003 йил биринчи ярим йиллиги якунларига
бағишиланган мажлисидаги маъруzasидан*



ЎЗБЕК НОНИ

Қайси бир замонда, қайси бир Султон
Топибди ақчани, топибди шонни.
Ва лекин дуч келиб тақдир беомон,
У орзу қилибди бир бурда нонни.

Бир улуг аллома фикрин айлаб жам,
Сўзимни мatalга йўйманглар, дебди.
Токчага бўй чўзсанг, Куръон турса ҳам,
Нонга сира оёқ қўйманглар, дебди.

Нон ва Ўзбекистон уйқашдир азал,
Бу юртга не эллар нон деб келганлар.
Саргашта қушлар ҳам доим, галма-гал
Бу юртдан ризқини териб еганлар.

Юртим, буюклигинг билди кенг жаҳон,
Тўлди омборларинг ўз донинг билан.
Сийлайсан оламни ёзиб дастурхон,
Мехнатдан яралган шу нонинг билан.

Сени ушбу кунда қутлайман, юртим,
Ризқингни бут қилди олтин хирмоним.
Ҳар иссиқ нонингни қуёшдай кўрдим,
Дунёга нон берган Ўзбекистоним.

*Абдулла ОРИПОВ,
Ўзбекистон Қаҳрамони,
Халқ шоири*



МАШАҚАТЛАР ОРТИДАГИ ҚУВОНЧ

Ўзбекистон эндиғина мустақилликка эришган 90-йилларнинг бошларида ёш республикамиз олдида жуда кўп муаммолар кўндаланг турарди. Энг муҳим масалалардан бири бу — аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлашдан иборат эди. Энг катта муаммо шунда эдик, собиқ иттифоқнинг пахта базасига айланиб қолган Ўзбекистонга шу чоққача кўплаб турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари бошқа жойлардан олиб келинарди. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг асосий турларини ўзимизда етиштириш ва бу маҳсулотлар бўйича бошқа мамлакатларга қарам бўлиб қолмаслик нафақат иқтисодий, балки сиёсий мустақилликни ҳам таъминловчи муҳим омиллардан бири эди.

Маълумки, мамлакатимиз аҳолиси дон ва дон маҳсулотларини нисбатан кўпроқ истеъмол қилади. Жумладан, 90-йилларда Ўзбекистонда ҳар бир киши йилига ўртacha 170 килограммдан дон маҳсулотлари истеъмол қилган бўлса, 1994 йилларга келиб бу рақам 152 килограммни ташкил этди. Мазкур кўрсаткич собиқ иттифоқнинг бошқа



қудудларидағы нисбатан 25—30 фоиз қўпdir. Бунинг асосий сабаби — суғориладиган майдонларнинг каттагина қисми пахта билан банд бўлиб, мева-сабзавот ва чорвачилик маҳсулотлари камроқ етиштирилиши натижасида аҳоли озиқ-овқатининг асосий қисмини дон маҳсулотлари ташкил этар эди.

Ўзбекистонга йилига четдан ўртача 3 миллион тоннага яқин буғдой келтириларди. Табиийки, бундай миқдордаги фалла асосан республикамиздан олиб чиқиб кетилаётган пахта толаси ва уни қайта ишлашдан олинаётган маҳсулотлар эвазига берилар эди. Собиқ иттифоқ таназзулга юз тутгач, ана шу фаллани четдан ўзимиз сотиб олишимизга тўғри келди. Бунинг учун, биринчи навбатда, валюта керак эди. Баъзи галла сотувчи давлатлар эса ўзларининг сиёсий манфаатларини ҳам орага тиқиширишга уринарди. Қолаверса, сотиб олинган фаллани юртимизга етказиб келиш учун катта миқдорда йўл харажатлари ҳам талаб қилинар эди. Ана шундай мураккаб бир шароитда мамлакат Президенти ва ҳукумати озиқ-овқат таъминотида узилишлар юз бермаслиги учун барча чора-тадбирларни кўрди. Хориждан сотиб олинган фалла мамлакатимизга етиб келиши учун маълум вақт талаб қилинар эди.

Ўша пайтларда мен республика Вазирлар Кенгашининг агросаноат мажмуасида бўлим муди-



ри бўлиб ишлар эдим. Ўзбекистонга олиб келинайётган фалланинг неча вагонлиги, қайси темирйўл станциясида тўхтаганлиги, у ердан Тошкентга неча кунда етиб келишини ҳар куни ҳисобкитоб қилиб, ахборот ҳозирлар эдик.

Бир гал Қозоғистон ҳудудида қучли қор бўронлари содир бўлганлиги сабабли фалла ортилган вагонларимиз у ерда бир неча кун тўхтаб қолди. Бизда эса дон маҳсулотларининг атиги уч кунга етадиган заҳираси қолган эди. Тасаввур қилинг, катта шаҳарларда агар бир кун аҳолига нон етказиб берилмаса аҳвол нима кечади? Ўшанда Президентимиз мамлакатга дон олиб келишни шахсан назоратга олди ва натижада бу борада узилиш юз беришига йўл қўйилмади. Юртбошимиз қўнглида мамлакатда дон мустақиллигига эришиш гояси ўша пайтларда туғилган бўлса ажаб эмас...

Шундай қилиб, Президент Ислом Каримов ташаббуси ва раҳбарлигида мамлакат аҳолисини ўзимизда етиштирилган дон билан таъминлаш юзасидан маҳсус дастур ишлаб чиқилди. Унинг босқичма-босқич амалга оширила бошлиши натижасида бир қатор муаммолар ўз ечи мини топди:

биринчидан, аҳолини кафолатланган тарзда дон маҳсулотлари билан таъминлаш имконияти юзага келди;



иккинчидан, дәхқонларимиз учун янги-янги иш жойлари ва қўшимча даромад манбай яратилди;

учинчидан, пахта майдонларининг бир қисми қисқартирилиб, бу майдонларга фалла экилиши ҳисобига экинларни алмашлаб экиш ва тупроқ унумдорлигини сақлаб қолиш имконияти яратилди;

тўртинчидан, фалладан бўшаган ерларга такорий экин экиш ҳисобига сабзавот етиштириш ҳажми кўпайди ва бу ҳам дәхқонларга қўшимча даромад олиш имконини берди;

бешинчидан, четдан фалла сотиб олиш учун сарфланадиган валюта иқтисод қилиб қолинди;

олтинчидан, Ўзбекистон дон ва дон маҳсулотлари бўйича ўзга давлатларга қарамликдан қутулди;

еттинчидан, чорва моллари учун озуқа базаси янада мустаҳкамланди.

Кези келганда, ўша вақтлар билдирилган баъзи фикр-мулоҳазаларни ҳам эслаш жоиз. Бир қатор иқтисодчи олимлар ва хорижий давлатлар вакиллари “Ўзбекистоннинг ўзида фалла етиштириш шартми? Ундан кўра кўпроқ пахта етиштириб, толани экспорт қилиш ҳисобига фаллани арzon нархларда четдан сотиб олган маъқул эмасми? Ахир, пахта етиштиришнинг иқтисодий самарадорлиги юқори-ку”, дея эъти-



роз ҳам билдиришган эди. Бундай фикрловчилар бугун ҳам йўқ эмас. Аммо уларнинг даъволари асоссиз эканлигини ҳаётнинг ўзи кўрсатмоқда. Юқорида биз тилга олган еттита омил ҳам шундан далолат. Қолаверса, бир гектар ерда етиширилган 30 центнер пахта ҳосили 380 минг сўм даромад келтирса, 50 центнер фалла 300 минг сўм даромад беради. Аммо ўша миқдордаги пахтани етишириш учун фаллага нисбатан 22 баробар кўп сарф-харажат талаб қилинади.

Мамлакатимизда дон етиширишнинг ривожланиш динамикасига эътибор берайлик. 1990—1992 йилларда юртимизда жами фалла майдони 770—870 минг гектар бўлган бўлса, шундан 220—300 минг гектари сугориладиган майдонлардан иборат эди. Унинг ҳам асосий қисмини баҳорда беда билан аралаштириб экилган дон ташкил қилган. Фалла майдонларининг кўпини (550—560 минг гектарини) лалмикор майдонлар ташкил қилган. Лалмикорликда ҳосилдорлик 7,5—9,0 центнердан ошмаган.

Сугориладиган майдонларда фалла экинлари 1993 йилдан кўпайтирила бошланди. 1996 йилга келиб умумий фалла майдони 1116,2 минг гектарга етказилди. Ҳосилдорлик 1992 йилги 23,5 центнер ўрнига 2002 йилда бу кўрсаткич 42,4 центнерга етди ёки салқам икки маротаба кўпай-



ди. Ялпи ҳосил эса сугориладиган майдонларда 1993 йилдаги 814 минг тоннадан 2002 йилда 5366,8 минг тоннага етказилди (1-жадвал).

Таҳлиллардан күриниб турибдики, дон етишириш экин майдонларини кенгайтириш ва ҳосилдорликни ошириш ҳисобига күпайтирилган. Шуни ҳам таъкидлаш керакки, республикамизда лалми фалла майдонлари бироз камайди. Агар 1991 йилда 549,3 минг гектар ана шундай ерларга дон экилиб, ўртача 7,4 центнердан ҳосил олинган бўлса, 2002 йилга келиб 176,5 минг

гектар лалми майдонга фалла экилди ва ҳосилдорлик 9,7 центнерни ташкил қилди (2-жадвал). Агар 1991 йилда давлатга сотилган фалла миқдори 148,3 минг тоннани ташкил қилган бўлса, 2002 йилга келиб бу кўрсаткич 2454,8 минг тоннани ташкил қилди ёки 16,5 маротаба ошди (3-жадвал).

Шундай қилиб, мамлакатимизда бошланган фалла мустақиллигига эришиш борасидаги эзгу саъй-ҳаракатлар 1997—1998 йилларга келиб тўлиғича амалга оширилди. 1998 йилдан бошлаб давлат эҳтиё-

*Дехқон-ки, дона сочар,
ерни ёрмоқ била ризқ
йўлин очар... Олам аҳли
маъмурлиги алардин, олам
аҳли масрурлиги алардин.
Ҳар қаён қилсалар ҳаракот,
элга ҳам кут еткуур, ҳам
баракот.*

Алишер Навоий



жи учун сотиб олинаётган дон миқдори 2 миллион тоннадан ошиб кетди. Натижада четдан галла сотиб олишга эҳтиёж қолмади.

Бугунги кунда мамлакатимиз аҳолиси дон ва дон маҳсулотлари билан барқарор таъминланган. Бунга эса дон мустақиллиги дастурини изчиллик билан босқичма-босқич амалга ошириш эвазига эришилди. Булар нималардан иборат эди? Аввало, деҳқонларимизни фалла етиширишга ўргатиб, бу соҳадаги моддий манфаатдорлик юқори даражага қўйилганлиги ютуқларнинг бош омили бўлди. Фалла етиширишнинг оила пудрати асосида ташкил қилиниши ва давлат буюртмасининг аста-секин камайтириб борилиши, режадан зиёд етиширилган донни эркин сотиш имконияти яратилганлиги ҳам вақтида ва тўғри амалга оширилган тадбирлар бўлганлигини ҳаётнинг ўзи исботламоқда.

Шунингдек, фалла уруғчилигига катта эътибор берилди. Ёдимда, 90-йилларда уруғлик дон тайёрлаш ва уни тозалаш, дорилаш ва қадоқлаш ишлари яхши йўлга қўйилмаганлиги туфайли ҳар йили экиш даврида уруғлик муаммоси кўндаланг бўлар эди. Оқибатда истеъмол учун мўлжалланган фалланинг бир қисми уруғликка ажратилар ва кўпинча тозаланмасдан экилаверар эди. Натижада пайкалларни бегона ўт босиб, ҳосилдорлик пасайиб кетарди.



Бундай ҳолатга зудлик билан барҳам бериш лозим эди. Шу боис республикамиздаги барча ҳўжаликларни сифатли ғалла уруғи билан тъминлаш вазифаси Андижон вилояти ғаллакорлари зиммасига юқлатилди. Тез орада у ерга Германиянинг “Петкус” фирмасида ишлаб чиқарилган замонавий уруғлик донни тозалаш ускуналари ўрнатилди. Шу тариқа ғалла уруғлиги етиштириш, уни тозалаш, дорилаш ва қадоқлаш ишлари саноат асосида ташкил қилинди.

Очиғи, ғалла уруғлиги етиштиришнинг андижонликлар зиммасига юқлатилишида ҳам ўзига хос маъно бор эди. Бу ўринда вилоят деҳқонларининг юқори малака ва тажрибага эга эканлиги, ҳудуднинг тупроқ ва иқлим шароити ғалла стиштириш учун анча қулай эканлиги ҳисобга олинди. Бошланган ишларга илмий йўналиш бериш мақсадида Андижонда сугориладиган ерларда ғалла ва дуккакли ўсимликлар етиштириш илмий-тадқиқот институти ташкил қилинди.

Буларнинг барчаси тез орада ўзининг ижобий натижасини берди. Жумладан, 1997—1999 йилларда вилоят бўйича ҳосилдорлик 64,7 центнерга, ялпи ҳосил эса 449 минг тоннадан 492 минг тоннага етказилди. Шу йиллари вилоят ҳўжаликлари ўзларини сара уруғлик билан тъминлаш билан бир қаторда, мамлакатимизнинг барча ҳудудларига йилига ўртacha 175 минг тон-



на шундай уруғ етказиб берди. Бундай муваффақиятлар сирини, аввало, вилоятда экилган фалла навларини танлаш яхши йўлга қўйилганиги, минтақа тупроқ ва иқлим шароитида энг юқори ҳосил берадиган навлари экилганиги билан изоҳлаш мумкин. Вилоятда 1999 йилда 2000 йил ҳосили учун 74 минг гектар майдонга кузги буғдой экилган эди. Унинг 66 минг гектарини элита ва 8 минг гектарини суперэлита уруғлари ташкил қилди. Шундан Россиянинг Краснодар ўлкасидан олиб келинган “Уманка” нави 39,5 минг гектарга, “Крошка” нави 24,5 минг гектарга, “Княжна” нави 3,7 минг гектарга, “Леукурум” нави 1,1 минг гектарга, элита навларидан “Эхо” 277 гектарга, “Дельта” 1863 гектарга, “Юна” 933 гектарга, “Половчанка” 2259 гектарга, экилди. Вилоят бўйича уруғ фақат биринчи синф даражасига етказиб экилди. Андижонликлар маҳаллий шароитга мос навларни танлаб олиш ва шу тариқа сара уруғ тайёрлаш ишларини йилдан-йилга такомиллаштириб бормоқда. Бу эса, ўз навбатида, бошқа ҳудудларга ҳам 1 ва 2-синфларга мансуб сара уруғ етказиб бериш имконини яратди.

Шу билан бирга, фаллачилик тармоғининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш устида ҳам жадал иш олиб борилди. Маълумки, 90-йилларнинг бошларида республикамизда асосан лал-



Микор ҳудудларга дон экилганлиги сабабли суғориладиган ҳудудларда фаллачилик техникаси деирли йўқ эди. Айниқса, дон ўриш комбайнларининг етишмаслиги сабабли кўпинча фалла ўрими 2—2,5 ойга чўзилиб кетарди. Мавжуд фалла ўриш комбайнлари асосан Россияда ишлаб чиқарилган “Нива” ва “Енисей” лардан иборат бўлиб, уларнинг ҳар бири бир кунда бор-йўғи 3—4 гектар ердаги фаллани ўриб бериш имконига эга эди, холос. Бунинг устига, ана шу комбайнлар юқори ҳосилли пайкалларни ўришга мўлжалланмаганлиги туфайли ҳосилдорлик гектаридан 30 центнердан ошадиган майдонларда дон исрофгарчилиги ҳаддан зиёд кўп бўларди. Шуни ҳисобга олиб, Президент Ислом Каримов фаллачиликнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга ҳам жиддий эътибор қаратди. Махсус тузилган гурӯҳ дунё мамлакатларида ишлаб чиқарилаётган фаллачилик техникаларини ўрганиб чиқди. Ана шу гурӯҳга мен раҳбарлик қилган эдим. Биз Германия, Англия ва АҚШдаги “Класс”, “НВД”, “Джон-Дир”, “Массей Фергюсон”, “Кейс Корпорейшн” каби машҳур компанияларда бўлиб, уларда ишлаб чиқарилаётган фаллачилик техникаларини ўргандик. Пировардида АҚШнинг “Кейс Корпорейшн” компанияси томонидан ишлаб чиқарилаётган “Кейс” русумли комбайнлар танлаб олинди.



Тез орада компания билан узоқ муддатга мўлжалланган ҳамкорлик шартномаси тузилди. “Кейс”лар бир кунда ўртача 25—30 гектар ердаги фаллани ўриб бериш имконига эга. Муҳими, улардан фойдаланилганда, доннинг нобудгарчилик даражаси 0,5 фоиздан ошмайди. Шунингдек, фаллачилик учун зарур бўлган бошқа турдаги техникаларнинг ҳам бир қисми хориждан сотиб олинди, баъзи турлари эса ўзимизнинг заводларда ишлаб чиқарила бошлади. “Кейс Корпорейшн” компаниясидан “Магнум” русумли юқори унумли тракторлар ҳам сотиб олинди. Фаллачиликнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш эса уруф экишни 8-10 кунда, ўримни 20 кунда тугатиш имкониятини берди. Бу эса, агротехник тадбирларни ўз вақтида ўтказиш ҳисобига ҳосилдорликни ошириш ва етиштирилган ҳосилни нобуд қилмасдан қисқа муддатда ўриб олишда қўл келди.

Бугунги кунда мавсум чоғида мамлакатимиз далаларида 1791 та “Кейс” русумли фалла ўриш комбайни ва 1945 та “Магнум” трактори юқори унум билан ишлатиласпти (5-жадвал). “Кейс Корпорейшн” билан ҳамкорлик ривожида Президент Ислом Каримов ва мазкур компания Президенти жаноб Россонинг бир неча бор бўлиб ўтган учрашувлари катта аҳамиятга эга бўлди. Ана шундай мулоқотлар натижаси ўлароқ, “Кейс



Корпорейшн” компанияси билан қўшма корхона тузилди ва бугунги кунда мазкур русумдаги комбайн ҳамда тракторлар учун зарур бўлган бир қанча турдаги эҳтиёт қисмлар Ўзбекистонда ишлаб чиқарилмоқда.

Юртимизда фаллачиликнинг моддий-техника базаси мустаҳкамланиб бориши уни етиштириш технологиясини такомиллаштириш имконини ҳам яратди. Шунингдек, фаллачиликни минерал ўғит ва химикатлар билан таъминлашга катта эътибор берилди. Буларнинг барчаси ҳосилдорликнинг ошиб боришига туртки бўлди. Агар 1991 йилда республика бўйича ҳосилдорлик ўртacha 11,9 центнерни ташкил қилган бўлса, 2002 йилга келиб, бу кўрсаткич сугориладиган майдонларда 42,4 центнерга етди. Ҳосилдорлик барча вилоятларда ўсиб борди. 2002 йилда энг паст ҳосилдорлик Қорақалпоғистон Республикаси хўжаликларида қайд этилиб, гектаридан ўртacha 22,2 центнердан дон олинди. Андижон вилояти хўжаликларида энг юқори кўрсаткичга эришилиб, ҳосилдорлик 67,5 центнерни ташкил қилди.

Вилоятнинг Балиқчи, Марҳамат, Асака, Шаҳрихон туманларида эса ҳосилдорлик 79 центнергача кўтарилди. Қатор хўжаликлар, жумладан, Шаҳрихон туманидаги Саримсоқов номидаги ва “Бўстон” ширкат хўжалиги, Булоқбоши тумани-



даги Ойбек номидаги ширкат хўжалиги, Жалолкудуқ туманидаги “Қатортол” ширкат хўжалиги ва Балиқчи туманидаги Х.Эргашева номидаги ширкат хўжалигига ҳозир гектаридан 88—91 центнердан ҳосил олинмоқда.

Бу муваффақиятларга осонлик билан эришилгани йўқ, албатта. Бунинг замирида чукур илмий асосга таянган кенг қўламли ташкилий ишлар турибди. Аввало, шуни айтиш керакки, деҳқонларимиз ҳали сувли ерларда галла етиширишга ўрганмаган эди. Асосан пахтачилик билан шуғулланиб келаётган деҳқоннинг фаллачилик сирларини эгаллаши учун маълум вақт керак эди. Фаллаоролда жойлашган Лалмикор деҳқончилик илмий-тадқиқот институти ўша пайтгача асосан фалланинг лалмикор навлари селекцияси ва агротехникаси билан шуғулланиб келган. Олимларнинг фаллачилик бўйича тавсиялари ва илмий ишлари кўпроқ лалмикорликка бафишланган эди. Бундан ташқари, республикада етиширилаётган фалла навлари ҳам лалми майдонларда экишга мўлжалланган. Фалла майдонларининг кенгайтирилиши суориладиган майдонлар учун ҳам навлар ва урувлар тайёрлашни тақозо этарди.

Масаланинг яна бир муаммоли жиҳати, республикамизда мавжуд фалла навлари асосан бахорда экишга мўлжалланган эди. Шуни ҳисобга



олиб, Россиянинг Краснодар ўлкасидан кузда экиладиган навлар уруғи олиб келинди. Ўз навбатида, ана шу навлар орасидан Ўзбекистоннинг тупроқ ва иқлим шароитида юқори ҳосил берадиганларини танлаб олиш каби муҳим вазифани бажаришга тўғри келди. Бу масалада чуқур илмий таҳлиллар ва тажрибалар олиб бориш лозим эди. Шуни ҳисобга олиб, Президент Ислом Каримов ташаббуси билан республика Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 25 августда қабул қилинган 419-сонли қарорига асосан Андижон вилоятида Суфориладиган ерларда ғалла ва дуккакли ўсимликлар илмий-тадқиқот институти ташкил этилди. Орадан бир йил ўтгач, бугдой навларини ҳар бир минтақага мослаштириш, уларни парваришилаш агротехникасини ишлаб чиқиши мақсадида ҳукумат қарорига биноан институтнинг Қорақалпоғистон Республикасида ва вилоятларда ҳам филиаллари ташкил этилди. Институтнинг ҳар бир филиалига тадқиқотлар олиб бориш учун 300 гектардан суфориладиган ер ажратилилди.

Бу филиалларнинг вазифаси бошоқли дон, дуккакли ва мойли экинларнинг селекцияси ҳамда уругчилиги бўйича илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш, бу борада янги технологиялар яратиш, такрорий ва оралиқ экинларни кенг жорий қилиш ҳисобига суфориладиган майдон-



лардан бир йилда икки-уч марта ҳосил олиш, чет эл илмий марказлари билан алоқаларни мустаҳкамлаш, уларда яратилган селекция ютуқла-рини, навларни ўрганиш, танлаш ва жорий этишдан иборат эди. Филиаллар фаолиятини яхшилаш эса қисқа муддат ичида бошоқли дон экинлари коллекциясини ўрганиб, уларнинг маҳаллий шароитга мос келувчи юқори ҳосилли ва эртапишар навларини танлаш, касаллик ва зараркунандаларга чидамли, истиқболли навларни парваришлиш технологиясини яратиш ишларини кенг миқёсда олиб бориш имкониятини берди.

Андижон фаллачилик институтида қисқа вақт ичида республикамизнинг сугориладиган ерларида буғдой ва бошқа экинлар селекциясига асосланиб, буғдойнинг 1000 дан зиёд, соянинг 19 та, нўхатнинг 12 та, ясминнинг 10 та, ловия ва мошнинг 17 навлари намуналари ўрганиб чиқишиди. Улар орасидан минтақамиз шароитида юқори ҳосил берувчи турлари танлаб олинди. Институт олимлари шу чоққача кузги буғдойнинг 10 та янги навларини яратдилар. Уларнинг “Чиллаки”, “Андижон-1”, “Андижон-2”, “Андижон-3”, “Андижон-4”, “Бобур”, “Дурдона” ва “Марс-1” сингари 8 таси юмшоқ буғдой, “Қаҳрабо” ва “Садаф” каби турлари қаттиқ буғдой навларига мансуб. “Чиллаки” ва “Андижон-2”



навлари эса республикамизнинг бир қатор минтақаларида экишга тавсия этилди. “Чиллаки” нави 2003 йил ҳосили учун 91,7 минг гектар ерга экилди. “Андижон-1” ва “Андижон-4” истиқболли навлар қаторига киритилиб, Давлат нав синаш комиссияси шохобчаларида синовдан ўтказилмоқда.

Бугунги кунда институтда 38 нафар юқори билим ва малакага эга бўлган илмий ходимлар фаолият кўрсатишмоқда. Улардан 2 нафари фан доктори, 6 нафари фан номзоди илмий даражасига эга. Бундан ташқари 3 киши фан номзоди ва 1 киши фан доктори диссертацияларини ҳимоя қилиш арафасида турибди. Институтнинг Фаллар орол филиалида ҳам кенг кўламда селекция ишлари олиб борилмоқда. Бу ерда ҳам буғдойнинг бир неча янги навлари яратилиб, Давлат нав синаш комиссиясига топширилди. Булар “Янгиобод”, “Альбудум-2000”, “Орзу”, “Ишонч”, “Дўстлик” ва “Файрат” каби юмшоқ буғдой ва “Меленонус-170”, “Садаф” сингари қаттиқ буғдой навларидир.

Хулоса қилиб айтганда, олиб борилаётган илмий-тадқиқот ишлари, янги яратилаётган истиқболли навлар, деҳқонларимизнинг фидокорона меҳнати, фермерларнинг фалла етиштиришдан манфаатдорлиги ортиб бориши, фаллачиликнинг моддий-техника базаси мустаҳкамланиши,

бу ишларнинг давлат ва шахсан Президент Ислом Каримов томонидан қўллаб-қувватланаётганини республикамиз фаллачилигини янги босқичларга кўтариш имкониятини яратмоқда. Эндиликда Ўзбекистон фақатфина ўз аҳолисини дон маҳсулотлари билан таъминлаб қолмасдан, хорижга ҳам фалла экспорт қилувчи давлатлар қаторига қўшилиб бормоқда.

*Расулмат ҲУСАНОВ,
Ўзбекистон Бозор ислоҳотлари
илемий-тадқиқот институти директори,
иктисод фанлари доктори, профессор.*



СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ ФАЛЛАКОРЛАРИГА

Қадрли дўстлар!

Сизларни давлатга 230 минг тоннадан зиёд сара дон етказиб бериб, мамлакатимизда биринчи бўлиб фалла тайёрлаш бўйича шартнома ревасини муваффақиятли бажарганингиз билан чин қалбимдан муборакбод этаман.

Бу фалабани қўлга киритишда Сурхон воҳаси миришкорларининг бой деҳқончилик тажрибаси, ризқ-рўзимиз манбаи — ерга, меҳнатга янгича муносабати, гайрат-шижоати, доимо янгилликка интилиш каби олижаноб фазилатлари асосий омил бўлгани шубҳасиз.

Сизларнинг об-ҳаво нокулай келган бу йилги шароитда кетма-кет ёққан ёмғир, айниқса жала ва дўл сингари табиат инжиқликларини енгиб, бошоқли дон экинларини юксак агротехника талаблари асосида парвариш қилганингиз, ўрим-йигимни уюшқоқлик билан ўтказиб, ҳар гектар ердан 43 центнердан ҳосил кўтарганингиз бу ҳақиқатни яққол исботлаб турибди.

Келажакка катта умид ва ишонч билан қараб астойдил меҳнат қилаётган сиз, мард ва ориятли, ўз сўзида қатъий турадиган Сурхондарё аҳли



бошқа соҳаларда ҳам белгиланган марраларни эгаллашингизга барчамиз ишонамиз.

Мен, фурсатдан фойдаланиб, омилкор деҳқон ва фермерларни, ширкат хўжаликлари аъзоларини, механизатор ва мутахассисларни, бир сўз билан айтганда, шу улкан хирмонга ўз ҳиссасини қўшган барча инсонларни бугунги меҳнат зафари билан яна бир бор қутлайман.

Сиз, азизларга сиҳат-саломатлик, эл-юритимиз фаровонлиги йўлидаги эзгу ишларингизда янги янги ютуқлар, хонадонларингизга эса тинчлик, файзу барака тилайман.

Доимо ишингиз бароридан келсин, бахту омадингизни берсин, қадрдонларим!

Ислом КАРИМОВ,
Узбекистон Республикаси
Президенти
2003 йил 29 июнь





МУСТАҚИЛЛИК БУҒДОЙПОЯЛАРИ

Ўзбек халқининг жаҳонга кўз-кўз этса арзийдиган фазилатлари бисёр. Ҳамюртларимизнинг бир-бирларига эзгу тилаклар изҳор этишларини шулар сирасига киритиш мумкин. “Ризку насибангиз бутун бўлсин”, дея ният билдиришади кишилар бир-бирларига. Омбори ғаллага тўла хонадоннинг дастурхони ҳам тўкин, эртасидан кўнгли тўқ бўлади. Бундай элда тўй-тантаналарнинг кети узилмайди.

Ўзбекистон Қаҳрамони, таниқли адабиётшунос Озод Шарофиддинов бир суҳбатда буғдой донаси-нинг қудрати ҳақида гапириб, бундай деган эди: “Бир донишманддан: “Дунёда энг паҳлавон нима?”, деб сўрашибди. “Буғдой донаси”, дея жавоб бериби у. Назаримда, донишманд буғдой донаси устида ётган залворли тупроқ юкини назарда тутган. Чунки буғдой донаси тупроқни ёриб кўкариб чиқади. Аслида бу ҳаётнинг қудратидан. Ана шу ҳаёт ато этган қудрат ҳосиласи бўлмиш дон инсон учун нақадар азиз ва лазиздир”.

Дарҳақиқат, дон — ризқ-рўз, тирикчилик рамзиdir. Ундан тайёрланадиган хилма-хил, бўрсил-



доқ нонлар азиз неъмат сифатида бениҳоя қадрланади. Одамлар унинг ушогини ҳам увол қилмасликка интилишади. Болалик чоғларимизда бувим раҳматлий айтгувчи эди: “Кимки, ҳар куни дастурхонга тўкилган қирқта ушоқни териб еса, унинг ризқ-насибаси бутун, рўзфори баракали бўлади”. Бу сўзлар бизнинг мурғак шууримизга чуқур сингиб қолган эди. У кишига тақлид қилиб, ҳар куни дастурхондан қирқта ушоқ териб ер эдик. Энди ўйласак, ана шу сўзлар замираидаги ҳам табарук неъмат бўлмиш нонни эъзозлашдек ҳикмат мужассам экан.

Халқимиз ҳаётида азалдан нон билан боғлиқ кўплаб удумлар, анъанаалар шаклланган. Бирон кишини узоқ сафарга кузатаётуб, унга қўшалоқ нонни тишлатиш ва то у қайтиб келгунча ана шу нонларни сақлаб қўйиш одат тусига кирган. Унинг ой бориб, омон қайтиши, ўз юртидан ризқи узилмаслиги учун шундай қилинган. Аксарият хона-донлар тўрида ҳарбийга кетган йигитлар тишлаган қўшалоқ кулча осиғлиқ туришига ўрганиб қолганмиз. Оналаримиз олис гўшаларда юрган ўғилларини беҳад соғинганларида ана шу неъматга термулиб ўтирганликларига гувоҳ бўлганмиз. Ўзбекчиликда йигит билан қизнинг бошини қовуштириш ҳам нон ушатиш маросими билан бошланади. Хонадонимизга меҳмон келганда эса дастурхонга энг аввало нон қўйилади.



Нон — биз учун лафзи ҳалоллик, тұғрилик, иймону виждон рамзи ҳамдир. Нон қүйилган жойда ёлғон сұзламаслик, нонни ушлаб ичилған қасамга минбад хиёнат құлмаслик бунинг исботидир. Нон ҳақыда гап кетганды, онам сўзлаб берган бир ривоят ёдимга тушади. У кишининг айтишларича, қадим замонлар бир қишлоққа кутылмаганда қароқчилар бостириб келибди. Қишлоққа кираверишдаги катта йўл бўйида яшайдиган нуроний кампир бу вақтда тандирда нон ёпаётган экан. У шовқин-сурон солганча бостириб келаётган қуролли суворийлар олдига тандирдан янгигина узилган, ёқимли ҳиди димоқларни қитиқловчи бўрсилдоқ нонлар билан пешвуз чиқибди.

— Хуш келибсизлар, болажонларим, — дея сўз бошлабди кампир ўзига ажабланиб тикилиб турган суворийларга юзланиб. — Мехмонни нон билан кутиб олиш одатимиз бор. Биламанки, сизлар ҳам бу ерга яхши ниятлар билан қадам ранжида қилгансиз. Азиз меҳмонимиз бўлинглар.

Шу чоғ суворийлар сардори отидан тушиб, кампирнинг қўлидаги нондан бир бурда ушатиб ебди.

— Раҳмат, онажон, — дебди у. — Сизнинг мана шу бир бурда нонингиз ҳар қандай меҳмондорчиликтан аъло. Энди бизга рухсат беринг, оптимизга қайтайлик.

Суворийлар бошлиғи бу воқеадан қаттиқ таъсирланибди.



четдан дон келтириш муаммосига ҳам барҳам бериш лозим эди.

— *Муҳтарам Президентимиз Ислом Абдуғаниевич Каримов томонидан Ўзбекистоннинг ғалла мустақиллигига эришиши ғояси илгари суримишига бир қатор жиiddий омиллар сабаб бўлган эди,— дея хотирлайди Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Ислом Жўрабеков. — Мен ўша пайтларда ҳукумат миқёсида масъул вазифада ишлаганигим боис уларнинг барчасидан яхши хабардор эдим. Айниқса, мустақилликнинг дастлабки йилларида мамлакатимизда ғалла тақчиллиги жиiddий муаммога айланган эди. Мана бир мисол. Ўша йилларнинг бирида мамлакат ғалла захирасининг “таги” кўриниб қолган бўлса-да, мутасадди шахслар амалда ҳеч қандай чора кўришмаган. Бу ҳақда ҳеч ким Президентга очиқ айтмаган. Кутимагандга вазият жуда қалтис тус олди. Шундан сўнг мамлакатимиз раҳбари маҳсус комиссия тузиб, унга мени раис этиб тайинлади. Биз зудлик билан омборларимизда қанча буғдой борлигини аниқлашга киришдик. Ғалла ҳаммаси бўлиб 12—15 кунга етарди, холос.*

Ана шундай мураккаб бир шароитда Ислом Абдуғаниевич қатъият билан иши юритди. Тез кунлар ичида Россиядан 100 минг ва Украинадан 50 минг тонна дон олиб келдик. Шу тариқа юз бериши муқаррар бўлган дон танқислиги муаммоси бартаги



раф этилди. Шундан сүнг Президент ғалла мустақиллиги ҳақидағи масаланы ўртага қўйди.

Бу жараён осон кечгани йўқ. Дастребаки йили 500 минг гектар майдонга дон эккан бўлсак, ке йинчалик бу рақам сувли майдонда 1 миллион гектарга ва лалми ерда эса 250 минг гектарга етказилди. Бир вақтлар ўзимизда 500—700 минг, нари борса, 1 миллион тонна ғалла ишлаб чиқариларди. Аммо аҳоли эҳтиёжи учун 4,5—5 миллион тонна дон керак эди. Ҳар йили миллионлаб тонна буғдойни пахтанинг пулига четдан сотиб олишга мажбур эдик. Шунинг ўзи 350—400 миллион долларга тушарди. Ўша йиллар пахта пулининг кўп қисми нонга кетарди, десам янгишмаган бўламан.

Президентимиз масалани кўндаланг қўйди: ғалла мустақиллигига эришишимиз шарт!

Ғалла мустақиллигига эришиши ҳаракатлари бошланган дастребаки йилларда республика бўйича суръформа ерлардан ўрта ҳисобда 21—22 центнердан ҳосил олинарди. Шунинг учун баъзилар: “Нима учун унумдор ерларга пахта ўрнига ҳосилдорлиги паст бўлган ғалла экишишимиз керак?” деб норози бўлишган эди. Бироқ бу борада бошланган кенг кўламли ислоҳотлар натижасида республикамизда ғалла ҳосилдорлиги ҳам юксалиб борди. Мана, ҳозир Фарғона, Наманган ва Самарқандда бу кўрсаткич 45—50 центнерга тўғри келаётган бўлса, Андижонда



72—73 центнерни ташкил этаяпти. Ҳатто, Хоразмдек шимолий вилоятда ҳам дәхқонлар 45 центнердан ошириб дон етишириша япти. Бир вақтлар гектаридан 7—8 центнердан ғалла олинган Қорабақалпогистонда эса бугун 30 центнердан, айрим хұжаликларда эса 45—50 центнердан дон олиша япти. Ҳозир бизда ғалла ҳосилдорлиги күрсаткышларыңиң республикалардагы нисбатан 1,5—2 баровар ортиқ. Дончилик бизда анча сердаромад тармоққа айланған. Ҳамма хұжаликлар соғ даромад олған. Пудратчи ёки фермер шартномадан зиёд етиширилған ҳосилидан яхшигина моддий манфат күраяпти. 2002 йили 180—200 тонна буғдойни үзининг шахсий омборига түккан фермерлар бўлди. Қишлоқдаги оддий одамларнинг ҳам камида беш-үн қоп уни бор. Чунки, аҳоли ҳам томорқасида дон етишишига ўрганди. Мамлакатимиз тарихида илк бор хорижга ун экспорт қилишга киришилди.

Биз атиги ўн йил ичидаги четнинг ғалласига қарамликтан буткул ҳалос бўлиб, ана шу дара жага эришдик. Баъзи давлатларга эса бунинг учун 30—40 йил керак бўлганлиги ҳеч кимга сир эмас. Ҳозир биз ғалла уруғчилигига ҳам жиiddий эътибор беряпмиз. Шу мақсадда Президентимиз ташаббуси билан Андижон ғаллачилик илмий-тадқиқот институти ташкил этилди. У ерда маҳаллий тупроқ-иқлим шароитларига мос, серхосил навларни яратиш бўйича самарали тадқиқотлар



олиб бориляяпти. Чунки ўзимизнинг ҳосилдор ва юқори сифатли ғалла навларимизга эга бўлиши-миз керак.

Бизнинг ана шу ютуқларни қўлга киритишимида биринчи навбатда ҳурматли Президентимизнинг қатъияти, ташаббускорлиги ва узоқни кўра билиши қўл келди. Очиги, у киши ғалла мустақиллигига эришии ғоясини ўртага ташлаган дастлабки пайтларда, ҳатто, менинг ҳам кўнглимда алланечук ҳадик, хавотир йўқ эмасди. Бу иш қўлимииздан келармикин, дея ташвишга тушган эдим. Аммо тез орада шубҳа-ю гумонларим ўринсиз эканлигига ишонч ҳосил қилдим. Чунки Юртбошимиз ўшанда халқимизнинг айни дилидаги гапни топиб айтганлиги сабабли одамлар бу ишга гайрат билан кишишган эди. Очигини айтиши керак, ўзбекнинг ўз ғалласига эга бўлишида Президент Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг бекёёс хизматларини ҳеч нарса билан қиёслаб бўлмайди.

— Мустақилликкача Москвадан бериладиган нарядлар асосида Самара, Куйбишев ёки Украинадан дон келтириларди, — дея ҳикоя қиласиди ўша чоғлар Сурхондарё вилоятида дон таъминоти бўйича масъул вазифада ишлаган “Ўздон-маҳсулот” корпорацияси бошқаруви раисининг ўринbosари Примқул Алиёров. — Кейинчалик бу борада ҳам узилишлар юз бера бошлади. “Марказ”даги бошқарув сусайганини шундан



ҳам билиш мумкин эди. Ўзимиз ўша жойлардағи заводларнинг аҳволи билан танишганмиз. Да-лаларда буғдойлар қор остида қолиб кетар, бунинг сабабини сұраганимизда, “техника кам, бензин йўқ”, қабилидаги жавобни эшитардик. Биз бир мисқол буғдойга зормиз, улар бўлса, неча минглаб тонна донни ана шундай исроф қилишарди. Бундай аҳволни кўриб, ич-ичимиздан ачиниб кетардик.

**Бироннинг бергани –
кўргулик, меҳнатнинг
бергани – тўйгулик.
Ўзбек халқ мақоли**

топшириқ ҳам бор. Лекин белгиланган юкни Новожоденскдан вагонларга юклаб беришмайди. Охир-оқибат ўзимиз юк ортиш учун одам олиб бордик. Ажабланарлиси, ҳали ишга тушмаган заводдан ун олиб келиш учун бизга наряд беришган экан. Бизни ана шундай лақиллатишган. Йифламоқдан бери бўлиб ортга қайтдик. Илож қанча, ўзимиз Ўзбекистондан мутахассисларни олиб бориб, ўша заводни ишга туширдик. Хирмондаги буғдойни у ерга ташиб бориб, тегирмонда тортиб, поездга ортиб келдик.

Мустақилликкача Сурхондарё вилояти бўйича 11200 тонна буғдой етиштирилган эди, холос. Аҳоли эҳтиёжи учун эса камида 200 минг тонна

Бизга Қозогистоннинг Актюбинск вилояти, Новожоденск туманидан ун олиб келиш учун наряд берилган эди. Юқоридан



галла керак. Вилоятдаги энг долзарб масала ҳам дон таъминоти эди. Ҳар бир мажлисда биринчи галда шу ҳақда гап борарди. Омборлар эса бўшаб ётарди. Халқнинг таҳликага тушмаслиги, ноўрин ваҳималар тарқалиб кетмаслиги учун бир вагон ун келтирсак ҳам ҳамманинг кўзи тушадиган жойга тахлаб қўярдик. Бу эса одамларга қандайдир таскин берар эди. Аммо бирибир айримлар бизга ишонмай, жанжал кўтаришга уринган эди. Шундай вазиятда ҳам босиқлик билан халқа мавжуд аҳволни батафсил тушунтириб, можарони тинч йўл билан ҳал қилган эдик.

Кўпчилик яхши эслайди, 1991—1992 йилларда қўшни давлатлардан бири билан ана шу муҳим масала юзасида ўзаро келишувга эришилган эди. Унга кўра мазкур давлат мамлакатимизга икки миллион тонна галла етказиб бериши лозим эди. Аммо ваъда ваъдалигича қолди. Ўзбекистонга 1 миллион тонна ҳам галла келтирилмади. Аксинча, у ерда қанчадан-қанча дон далаларда йиғиширилмай қолиб кетган эди. Шундан сўнг юртимизга Канада ва АҚШдан ун олиб келишга тўғри келганди. Минг-минглаб тонна маҳсулот юк кемаларида океан орқали Болтиқбўйи дengiz портига келтирилар, у ердан катта қийинчиликлар билан вагонларга юкланар эди.

— Яна бир гап ҳеч эсимдан чиқмайди, — дея эслайди Примқул Алиёров. — Болтиқбўйидан дон



олиб келадиган пайтларимиз биз учун масъул қилиб қўйилган маҳаллий раҳбарлардан бири киноя билан шундай деган эди: “Биз ўз кучимиз билан мустақилликни қўлга киритдик. Энди уни ҳеч ким, ҳеч қандай йўл билан биздан тортиб ололмайди. Бизни ҳеч ким енга олмайди, ҳатто энг замонавий қуроллар билан ҳам. Аммо сиз ўзбекларни яна қарам қилиб қўйиш жуда осон. Бунинг учун ҳеч қандай қуролнинг ҳам, танк ва снаряднинг ҳам кераги йўқ. Фақатгина Россия буғдой беришни тұхтатиб қўйса ёки фалла олиб ўтиладиган йўлларни беркитса, шунинг ўзи кифоя”. Бундай аччиқ гаплар менинг ҳамиятимни қўзғаган, у билан узоқ тортишган эдим. Аммо очиғини айтганда, юқоридаги фикр замирида ҳақиқат ҳам йўқ эмасди. Болтиқбўйи портларидан вагонга ортилган юкларимиз “минг бир саргузаштларни бошдан кечириб”, бир ойча вақт ичida Ўзбекистонга етиб келарди. Йўл харажатларини-ку, асти қўяверинг.

Мустақилликнинг мустаҳкам бўлиши учун биринчи галда халқقا моддий фаровонлик керак эди. Дон бўлмаса, нон бўлмаса бунаقا мустақиллик кимга керак, дейдиганлар ҳам топилар эди. Зотан, озиқ-овқат — муҳим стратегик маҳсулот. Ўз дони, ўз нони бўлмаган, фалла мустақиллигига эга бўлмаган давлатда иқтисодий мустақилликни таъминлаш мушкул эканлиги ўша



кезлар яққол намоён бўлган эди. Фақат сиёсий мустақилликни эълон қилиш билангина иш битмасди.

Шу маънода, истиқдолнинг дастлабки йилларидаёт юртбошимиз томонидан олга сурилган Ўзбекистоннинг фалла мустақиллигига эришиш сиёсати халқимизнинг айни дилидаги гап бўлган эди, дейиш мумкин. Бунинг натижасида кейинги йилларда юртимизда аҳолини ўзимизда етиштирилган дон маҳсулотлари билан тўлиқ таъминлаш борасида жуда катта ишлар амалга оширилди. Жумладан, сугориладиган майдонларда дон етиштириш ҳажми ортиб борди.

Бир мисол. Республикамизда 1991 йили 221 минг гектар майдонда бошоқли дон етиштирилган бўлса, мазкур кўрсаткич 2002 йилга келиб, 1 миллион 69,5 минг гектарни ташкил этди. Ўз навбатида, бундай майдонлардан юқори ҳосил олишга ҳам жиддий эътибор қаратилди. Шу мақсадда хориж илмий тадқиқот институтларида яратилган интенсив типдаги, ҳосилдорлиги 70—80 фоизни ташкил этадиган буғдой навлари келтирилди ва ўзимизда уруғчилик тизими шакллантирилди. Бунинг самараси ўлароқ сугориладиган майдонлардаги фалла ҳосилдорлиги миқдори мутассил ортиб борди. Айтайлик, бундай майдонлардаги ҳосилдорлик 1991 йили республикамиз бўйича ўртacha 22,2 центнер бўлган



бўлса, 2002 йилга келиб эса 42,4 центнердан ошиб кетди.

Мамлакатимизда фалла майдонлари, ва айниқса, дон ҳосилдорлигининг кескин ортиши ҳисобига кейинги йилларда маҳсулот етиштириш ҳажми ҳам тобора юқориlab борди. Мисол учун, 1990 йили республикамиз бўйича атиги 1 миллион тоннадан сал зиёдроқ дон ҳосили олинган бўлса, 1992 йилда бу рақам 1 миллион 250 минг тоннага кўтарилиди. Аммо ўша йили Ўзбекистон аҳолиси эҳтиёжлари учун четдан 3 миллион тоннадан зиёдроқ фалла сотиб олишга тўғри келган эди. Бу соҳада олиб борилаётган ишлар, эришилаётган ижобий натижалар туфайли маҳаллий дон салмоғи тобора ортиб, тегишли равишда ушбу маҳсулотни четдан келтириш ҳажми қисқариб борди. Ниҳоят, 2002 йили юртимизда фақатгина суғориладиган ерларнинг ўзидан йигиб-териб олинган ҳосил салмоғи 4,5 миллион тоннадан ошиб кетди. Бир сўз билан айтганда, бир неча йиллик самарали меҳнатлар шарофати ўлароқ, ўтган йили мамлакатимиз аҳолиси эҳтиёжини тўлиқ таъминлашга етадиган дон хирмони тайёрланди. Республикаизда фалла мустақиллигига эришиш йўлида бошланган саъй-ҳаракатлар шутариقا ўз самарасини берди.

Ўзбек дони ҳақида гап кетганда, яна бир воқеа ёдга тушади. 1999 йилнинг июл ойи охирлари эди.



Бу пайтда юртимиз далаларида заҳматкаш дех-қонларимиз пешона тери эвазига етиштирилган миллионлаб тонна дон ҳосили йифиб-териб олинган, Ўзбекистоннинг фалла хирмонлари тогдек юксалган эди.

Хуллас, барчанинг кайфияти чоғ, эртанги кунидан кўнгли тўқ дамлар эди. Шундай кунлардан бирида Ўзбекистон халқ шоири, мархум Муҳаммад Юсуф билан сұхбатлашиб қолдик. Гап мавзуси ҳам ўз-ўзидан ўзбекнинг дони хусусида кечди. Ўрни келганда у кишидан шу мавзуда газетамиз учун бир шеър ёзиб беришини илтимос қилдик. Шоир ҳам бу илтимосимизга бажонидил рози бўлди. Орадан бир-икки кун ўтгач, у ўша ваъда қилинган «Мустақиллик буғдойпоялари» шеърини кўтариб, хушнуд кайфиятда таҳририятимизга кириб келди. Мана ўша шеър:

Мен таъзим қиласман буғдой пойига,
Ҳали ҳеч кимса-ку бошим эгмаган.
Одамлар бор ахир, тукқан жойига,
Бир бошоқ буғдойча нафи тегмаган.
Чўксин қошингизга тоғлар, қоялар,
Сиз бунга лойиқсиз буғдойпоялар,
Андижон дейсизми ё Самарқанддир,
Қандай ўзбек бўлса, уйида тандир.
Шоирлар юртимас кимдир айтгандек,
Аслида, бу диёр дехқон — Ватандир.



Сизда жами ҳикмат ва ҳимоялар,
Сиз зүр машойихсиз буғдойпоялар.

Ёмғирда ёғилмай ҳұлга ботгансиз,
Шамолда түкілмай бизга қайтгансиз.
Отамга құшилиб ухламай чиққан,
Онамга құшилиб алла айтгансиз.
Ва енгил тин олган кеттач соялар,
Ҳалол халойиқсиз буғдойпоялар!..

Қадрингиз билмаслар бугун ҳам қанча,
Назарга илмаслар бугун ҳам қанча.
Ранжиманг, ранжишга арзимас улар,
Гала текинтомоқ, гала тирранча.
Улар бир беюрак, бениҳоялар,
Яшолмас қуллуқсиз, буғдойпоялар.

Шошманг, қошингизга бораман үзим,
Сизга бир дардимни ёраман үзим.
Бир сирни айтмабман: биз энди ҳур халқ,
Истаган лойимни қораман үзим.
Кетди думин тугиб ул ёт гоялар,
Улуғмиз, “Улуғ”сиз, буғдойпоялар.

Тинчлик қандай улуғ!
Тинчлик қандай соз!
Мен Сүз уммонаңда ношуд бир ғаввос.
Қорним түқ, устим бут, яна нима дей,



Бир бор қошингизга бош эгдим, холос.
Асли минг қуллукқа арзир доялар,
Буғдойпояларим, буғдойпоялар!

* * *

Ана шу тариқа юзага келган ушбу дилбар шеър илк бор “Қишлоқ ҳаёти” газетасининг 1999 йил 30 июл сонида чоп этилган эди. Дарҳақиқат, мархум шоиришим ажыб бир әхтирос ила мадҳ этган мустақиллик буғдойпоялари халқимиз учун ризқ-рүз, фаровон ҳаёт манбаига айланғанлиги ҳеч кимга сир әмас.

Кези келганды шуны ҳам таъкидлаш жоизки, республикада дон мустақиллигига эришиш ва юқори ҳосил олиш учун аввало сифатли уруғлик лозим эди. Юртимизда ана шу масалалар билан шуғулланувчи илмий-текшириш институтлари юзага келди. Лугатимиздан уруглик индустрияси, деган янги атама жой олди. Саноатлашган 37 та донни қайта ишлайдиган заводлар пайдо бўлди. Мазкур корхоналарда уруғлик дон замонавий технологиялар асосида тозаланиб, дориланади, қолларга жойланади. Лабораторияларда уруғларнинг унувчанлиги аникланиб, касалликларга қарши воситалар билан қайта ишланади.

Фалла мустақиллиги шарофати факат шулардангина иборат әмас. Илгари заводларимизга ун, гуруч, ёрма сингари тайёр маҳсулот келтирилар-



ди. Ҳозирда ушбу маҳсулотлар таъминоти ҳам тўлиқ корхоналар ихтиёрида. Бир пайтлар Корея, Канада, АҚШ, Таиланд, Комбоджадан келтирилган гуруч ҳам ўзимизда етиширилаяпти. Дон мустақиллiği туфайли юртимизда ўнлаб янги заводлар, корхоналар барпо этилди. Ҳар томонлама жаҳон андозаларига мос илғор технологиялар билан жиҳозланган бундай корхоналар бугун юқори унум билан ишлаб турибди.

Ҳозир биздаги мавжуд технологиялар ўн икки турда ун маҳсулотлари чиқариш имконига эга. Мамлакат хукуматининг 424-сонли қарори бўйича маҳаллий имкониятлар ва жаҳон андозасига жавоб берадиган экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришга асосланган меъёрий хужжатлар қайта кўриб чиқилмоқда.

Янги технологияларнинг жорий этилиши боис қўл меҳнати камайди, жойлардаги экологик аҳвол яхшиланди, маҳсулот таннархи арzonлашяпти. Ишлаб чиқариш шароитлари яхшиланди.

— Бу йил хирмонларга, омборларга дон сифмай кетди,— дейди деновлик Ўзбекистон Қаҳрамони Иброҳим Файзуллаев мамнуният билан. — Чунки деҳқонларимиз чин юракдан, омилкорлик билан меҳнат қилди. Шунга яраша ер ҳам бизни сийлади.

— Ерга меҳр қўйиб, фалла етишириб, асло кам бўлганим йўқ. Ўзбекистон Қаҳрамони деган



юксак унвонга сазовор бўлдим,— дейди Шофиркон туманидаги “Бухоро” ширкат хўжалиги раиси Азимжон Латипов.

Юқорида таъкидлаганимиздек, мустақилликнинг дастлабки йилларида ёқ ҳукуматимиз томонидан сугориладиган ерларга бошоқли дон экишини кенгайтириш, уруғчилик ва селекция ишларини замонавий тарзда ташкил этишга ҳам катта эътибор қаратила бошланган эди. Орадан тўртбеш йил ўтгач, галла етиштириш соҳасида сезиларли ўзгаришлар кўзга ташланди. Ҳосилдорликни ошириш, уруғчиликка эътибор бериш масаласида эса андижонликлар барчага ибрат бўлди. Андижон фаллачилик мактабининг ютуқлари республикада довруқ қозонди.

Яна бир муҳим жиҳат. Мулкка эгалик ва моддий манфаатдорлик фалла ҳосилдорлигини кескин оширишда бош омил бўлди. Илгари дехқон хўжалик ерида ёлланма ишчидек эди. Бугун эса у ўз ерининг эгаси. Қанча ҳосил етиштиради, қанчасини давлатга сотади-ю, қанчаси ўзига қолади, барчасини яхши билади. Шу сабаб, ҳеч иккиланмай, мўл ҳосил етиштираяпти, шартномадан ортиқча донни ўз омборига тўқаяпти. Фермерларнинг дончиликка эътибори ошди.

Бундан беш йил аввал республикамида 1468 нафар фермер етиштирган 35 минг тонна фалла асосан давлатга топширилган эди. 2002 йил эса 38



минг 163 нафар фермернинг ҳар бири 20—25 тонналаб шартномадан ошиқча етиштирилган донни ўз ҳовлисига тушириб олганди. Бу йилги натижажа эса ундан-да юқори бўлди. Мана, сизга ислоҳот, ўзгариш, янгиланиш самараси!

Келажакда ғаллани асосан фермерлар ишлаб чиқаради. Бунга шубҳа йўқ. Чунки бугун энг арzon ишлаб чиқарилган ғалла кимда деб сўрасангиз жавоб аниқ — фермерларда! Эътибор беринг, фермерлар харажатларни камайтиришга, беҳуда ишларга берилмасликка интилади. Улар ерни обитобида сифатли ҳайдайди, даласига зўр уруф сочади, ўғитни ўз вақтида беради, сувни шарбат билан оқизади. Унинг мақсади — кам харж қилиб, кўпроқ соф фойда олиш. Демак, ғалла мўл бўлса, даромад ҳам шунга яраша бўлади.

Бугун ҳалол меҳнат қилиб, ҳисоб-китобни жойига кўйган, натижада ғалладан фойда олган мулкдорлар саховатни, меҳру мурувватни ҳам унугани йўқ. Элнинг дуосини олиб мактаб, гузар кураётган, ободончиликка кўл ураётган фермерларни кўриб қувонасиз. Мўмайгина даромад олган фермерлар фақат ўзини, оиласини ўйлагани йўқ, муҳтоjlару қариялар, ногиронларнинг бошини силаяпти. Мактаб ва bogчаларга ҳомийлик қилмоқда. Чунки фермерликнинг эртаси бор, бу ҳаракатнинг ўзи келажак, истиқбол демакдир.



Яна бир қувончли ҳолат. Илгари одамлар галлага эътибор бермасди. Томорқасига чорва учун озуқа ё майда-чуйда сабзавотлар экар, айрим кишиларнинг бир парча ери ҳатто қаровсиз ётарди. Бугун-чи? Одамлар томорқасига дон экаяпти, юқори ҳосил кўта-ришга интиляпти ҳам.

**Бир қўллаб сочасан,
икки қўллаб ўрасан.**

Ўзбек халқ мақоли

Томорқачи биринчи бўлиб фаллани ўради, ерни бўшатиб тақрорий экин экади. Ер томорқачининг қўлида зарга, олтинга айланаяпти, йилига икки-уч карра ҳосил бераяпти.

Бугун қайси қишлоқقا борманг, қайси хона-донга кирманг, ўз дони, ўз нони бор. Ҳар бир хонадонда беш-олти қоп буғдой бор. Қувончилиси, дон бу йилги ҳосилдан эмас, ўтган йилги фалладан. Қолаверса, дон етиштирган фермерлару ижарачи ўзига қолган донни истаганича тасарруф этиб, рўзгорини обод қиласаяпти, бозорда сотиб, турли эҳтиёжига ишлатаяпти ҳам. Мана сизга фалланинг хосияти, баракаси!

Ҳукуматимиз фаллакорларни замонавий техника воситалари билан таъминлашга катта эътибор берәётир. Бугун 1836 та «Кейс», «Нью-Холланд», 188 дона «Клаас» ва «Янмар» русумли замонавий комбайнлар галлакорлар ихтиёрида. Юқори унумли комбайнларнинг кўпайиши эса



ҳар йили мавсумни 5—10 кун эртароқ тугаллаш имконини бераяпти.

Айни чоғда асакалик Р. Собиров, шаҳрихонлик А. Абдусатторов, касбилик Т. Сафарова сингари пудратчилар ҳар гектар ердан 100 центнердан ошириб дон олиб тилга тушган. Улар билан гурунглашсангиз, худога шукр, донимиз, нонимиз бор, дейди. Қаҳатчилик йилларини эслашади. Одамларнинг бир бурда нон учун не-не машаққатлар чекишганини айтишади. Бу синовларни оталаримиз, оналаримиз бошидан кечиришган. Шу боис ҳам улар учун бугуннинг қадри баланд.

Ўтган йиллар давомида дон етишириб, ҳалол меҳнати туфайли эъзозланган, эл ҳурматига сазовор бўлган кишилар қўп бўлди. Улар орасидан Ўзбекистон Қаҳрамонлари, қатор орден ва медаллар соҳиблари етишиб чиққани қувончли ҳол, албатта. Бу рақамларнинг ортида машаққатли меҳнат ётганини қишининг совуғи, ёзning жазирамаси демай далада ишлаган киши яхши билади.

Бугун одамлар оиласи билан беш-ўн гектар ерни ижарага олган дехқон ё фермердан режани бажардингми, деб эмас, балки ўзингга қанча дон қолди, деб сўрашмоқда. Юртимизнинг ҳар гўшасида яхши хабарлар қулоққа чалинади. Андижонда бир дехқон 100 центнердан ошириб дон олиб-



ди, буни нишонлаб маҳалласига ош берганмиш. Қашқадарёлик бир комбайнчига рангли телевизор мукофотга берилганмиш. Бухоролик заҳматкаш фермер шартномадан ортиқча етиштирган донини сотиб янги «Нексия» олишни кўзлаяпти. Каттақўргонлик фермер эса бу йил режадан зиёд етиштирган фалласининг бир қисмини маҳалла дошларига улашганмиш...

Бундай одамларнинг кайфиятини, дунёқарашини бундан ўн-ўн икки йил олдингиси билан солиштириб кўринг-чи. Осмон билан ерча фарқ бор.

— Ўша пайтлар уч-тўрт кило буғдой, ун сўраб хўжалик идорасига келганлар кўп эди,— дейди жомбойлик машхур фаллакор Барот Нодиров. — Рости, қўл калта бўлган, гоҳида баъзиларга қўмак беролмаганмиз. Бугун эса беш-ўн кило эмас, минглаб тоннадан гапиряпмиз. Одамларимиз дон етиштириш бўйича унча-мунча мутахассисга дарс беради. Тармоқда барча технологияларни жорий этиш бўйича Европа стандартига етдик. Бу уруғчилик, селекция ишларидағи ютуқлар ва ҳосилдорликнинг кескин ошгани билан изоҳланади. Қувончлиси, ҳозир фалла эккан киши борки бой, қўни-қўнжи донга тўлган. Озод юртнинг олтин бошоқлари эгаси бўлишлик бахти унинг она-Ватанига, Йўлбошчисига меҳру муҳаббати, садоқати, фидойилиги, фахр-ифтихори туйгулари билан уй-



ғунлашиб кетганлиги ҳеч кимга сир эмас. Буни бугунги давр кўрсатиб турибди.

Мухтасар қилиб айтганда, ўзбек донининг, ўзбек нонининг мاشаққатли йўли, халқимизнинг мустақиллик сари интилиши, уни курашлар ила қўлга киритиши, меҳнат ва заҳмат ила қарор топтириши ҳамда мустаҳкамлаши солномаси билан чамбарчас боғлиқдир. Бинобарин, бу йўлда фидойилик билан курашган инсонларнинг ана шу мунаvvар тарихда муносиб ўрни бор. Йиллар, асрлар ўтади. Авлодлар тарих саҳифаларини вараклар экан, уларнинг номларини чексиз миннатдорлик билан эслаб, ардоқлаб юради.

Ўтқир РАҲМАТ





ДАЛИЛ ВА РАҚАМЛАР

- 1995 йилда дон бүйича давлат буюртмаси 50 фоизгача қисқартирилди. Яқын йиллар ичидә уни бутунлай бекор қилиш вазифаси қўйилган.
- Дон ҳосилининг харид нархини жаҳон нархлари даражасига босқичма-босқич етказиш 1995 йилдан бошлианди.
- 1994 йилдаёқ 1993 йилга нисбатан республикада фермер хўжаликлари экинзорлари майдони 2,7 баравар ортиб, уларда дон етиштириш 3 баравар кўпайди.
- Дончиликни ривожлантириш, унга агросервис хизмати кўрсатиш, етарли миқдорда техника ва эҳтиёт қисмлар билан таъминлаш йўлида бугунги кунда мамлакатимиз хўжаликларида машина-трактор парклари — МТПлар ташкил этилиб, улар “Кейс” комбайнлари ҳамда “Магнум” тракторлари билан бойитилди.
- Республика Молия вазирлиги қошида ташкил этилган давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг ҳисоб-китоб ишлари бўйича маҳсус жамғарма 1999 йилнинг ўзида биргина фалла учун 48 миллиард 600 миллион сўм маблағ ажратди.



• 2002 йилда аҳоли томорқаларида ҳам етиштирилған фаллани қўшиб ҳисоблагандага мамлакатимизда 5 миллион тонна атрофида дон етиштирildi.

• 2003 йил ҳам Ўзбекистонда фалла йили бўлди. Ҳосил хирмонларимиз 5 миллион тоннадан ошиб кетди!





НОН ИСИ

Бу йил юртимизга қутли, баракали келди. Да-лаларимиз фалла билан олтин, қир-адирларимиз майса билан зумрад бўлди. Деҳқоннинг омбори донга тўлди, хонадонига ризқ кирди.

Кимгадир бу оддий турмуш, кундалик меҳнат, кимга эса режанинг бажарилиши, олинган даромаднинг ўзи халосдир. Кимгадир менинг «шоирона баланд-парвоз» сўзларим хуш келмас, эски қолипдаги тафаккур, «шўроларча тарғибот» бўлиб туюлар. Лекин, азизим, салқаланиб турган бошоқларга, силкиниб турган буғдойзорга менинг кўзим билан қаранг. Саккизга тўлмаган ёшингиизда қиши изғиринида тонг қоронғусида уйғониб ширин уйқу ва иссиқ кўрпани ташлаб, гузарда нонга навбатда турганмисиз? Навбатингиз етганда дўкон ёпилиб, кўзингиз тўла ёш билан уйга қуруқ қайтганмисиз? «Зaborная карточка»га бериладиган бир парча «ржаной» (ўзбекча талаффузда «аржиной») нон мазаси оғзингизда қолганми?

Муҳтоҗлик щундай жароҳат эканки, ўзи битиб кетса ҳам изи умрбод қоларкан. Орадан шунча йиллар ўтса ҳам, кунимиз, шукрларки, ёлғиз



ноннинг ўзига қолмаган бўлса ҳам ҳали-ҳамон тандирдан узилган нонни ҳидласам, ичимдан хўрсиниқ келади. Нон иси менга ҳаёт иси, тириклик иси, жон иси бўлиб туюлади.

Буғдойзор далаларнинг яна бир шукуҳи — улар она замин бағрида пахта яккаҳокимлиги қолдирган жароҳатга малҳамдир. Энди ориқлаган ҳолсиз еримизнинг зиммасида олти миллион тоннанинг юки йўқ, ҳалқ боши устида бутифос ёғдирувчи темир қузгуналарнинг парвози йўқ. Шунинг учун бу далалар озодликнинг ўзидаи кенг ва дилбар кўринади кўзларимга.

Юртимда бугун ҳосил фасли. Далалардан, полизлардан, боғлардан ҳосил олинаётир. Борингки, ташбеҳли қилиб айтсам, Ўзбекистон мустақиллик йилларининг биринчи ўн йилида эккан урганинг ҳосилини олмоқда. Бу урганинг номи — оқилона мустақил сиёsat ва бу ҳосилнинг исми жаҳоний эътирофдир.

Эркин ВОҲИДОВ
Ўзбекистон Қаҳрамони,
Ҳалқ шоюри





“ДЕҲҚОНКИ ДОНА СОЧАР...”

Мустақиллигимизнинг дастлабки кунлари. Дўконлар одамлар билан туну кун тирбанд. Озиқовқат, биринчи галда нон танқис кезлар. Кимлардир ана шу қийинчиликлардан фойдаланиш ҳаракатига ҳам тушиб қолишган. Ёш мамлакатимизда фалла тақчиллиги яққол сезилмоқда эди. Мавжуд воқеликни теран ҳис этган ва бунинг ечими сўзсиз ўз қўлимида эканлигини англаб етган Ислом Каримов халқа бор гапни лўнда қилиб айтди: “Токи фалла мустақиллигига эришмас эканмиз, иқтисодий мустақиллик ҳақида гапириш ортиқча”.

Йўлбошчимиз ҳақ эди. Юртимизда деҳқончиликни юқори даражада ривожлантириш учун бекиёс имкониятлар мавжуд эканлиги ҳеч кимга сир эмасди.

Шу тариқа кун тартибидан фалла мустақиллиги ўрин олди. Бироқ фақатгина ниятнинг ўзи кифоя қилмасди. Негаки, узоқ йиллар давомида республикамиз деҳқончилиги бир томонлама — пахтачилик йўналишида ривожланганди. Донетишириш бўйича тажриба айтарли йўқ бўлиб,



сувли ерларда фалла ҳосилдорлиги 19—25 центнер атрофида эди, холос. Ҳосилдорлик пастлинг сабаби алмашлаб экиш жорий қилинмаслиги, фалла уругчилиги ва агротехникасининг мукаммал эмаслиги, бу борадаги илфор технология амалда жорий этилмаслигига бориб тақаларди. Мавжуд камчиликларни бартараф этмай туриб, мамлакат эҳтиёжи учун зарур миқдордаги фалла ҳосили етиштириш қийин кечиши дастлабки йилларда ёқ кўзга ташланиб қолди. Экин майдонларини кенгайтириш ҳисобига ҳосил миқдорини ошириш эса дехқончилик анъанасига зид бўлиб, охир-оқибат бошқа муаммоларни келтириб чиқаради.

Бу, айниқса, сугориладиган экин майдонлари чекланган, аҳоли сони бирмунча юқори бўлган Андижон вилоятида қатор қийинчиликларга сабаб бўлиши тайин эди. Айтайлик, фалла мустақиллигига эришиш тўғрисида гап бошланган вақтларда вилоятда бошокли дон ҳосилдорлиги гектарига ўртacha 32 центнерни ташкил этар эди. Очифи, бундай натижа билан аҳолининг донга бўлган эҳтиёжини тўла қондириш имкони йўқ эди.

Шунчаки иштиёқ ва ҳаракатнинг ўзи билан кўзланган мақсадга эришиб бўлмаслиги турган гап. Ўша кезлар, қачонки дехқонга илфор технология таклиф этилса, экишга сара уруф етказиб берилсагина ишда ўнгланиш юз бериши мумкин, деган фикр ўртага чиқди. Хўш, фаллачилик учун



янги технология қаердан олинади? Сара уруф-чи? Энг муҳими, маҳаллий анъаналарга суюнган ҳолда хорижий тажрибалардан самарали фойдаланиш ҳаётий зарурат эканлиги англаб етилди. Бу мақсадни амалга ошириш учун вилоят ҳокимлиги қошида алоҳида ишчи гуруҳи ташкил этилди. Гуруҳ зиммасига яқин вақт ичидаги майдонларини күпайтирмаган ҳолда ғалла ҳосилдорлигини ошириш вазифаси юклатилди. Бу йўлда амалиётчилар ҳамда назариётчилар қўлни қўлга бердилар. Fўза қатор ораларига ва очиқ майдонларга уруф сочиш муддатлари ишлаб чиқилди. Ўзимизда мавжуд бўлган буғдой навлари тупроқ шароитига қараб экила бошлади. Сугориш, озиқлантириш каби энг муҳим агротехник тадбирларни ўз вақтида амалга оширишга катта эътибор қаратилди.

Иzlаниш ва эътибор туфайли 1994 йилда вилоят хўжаликларида гектаридан 35,4 центнердан дон янчиб олинди. Умумий хирмон салмоғи 134 минг тоннани ташкил этди. Марҳамат, Бўз, Булокбоши, Шаҳрихон ва Балиқчи туманларида бу борада юқори натижаларга эришилди. Ўнлаб хўжаликларда эса ҳосилдорлик гектарига 45—50 центнердан тўғри келди. Миришкор деҳқонлар эса бу кўрсаткични 50—60 центнерга етказа олдилар. Натижалар вилоят миқёсида ҳар бир дала шароитида қиёсий таҳлил этилганда ҳали бу борада ишга солинмаган имкониятлар кўплиги маълум бўлди. Бунинг учун эса илмий асослан-



ган дастур ишлаб чиқилиши лозим эди. Шу мақсадда бир гурӯҳ мутахассислар Краснодарга — жаҳонга машҳур Лукъяненко номли фалла уруғчилиги илмий-тадқиқот институтига тажриба ўрганиш учун юборилди. Бир муддат краснодарлик олимлар ҳузурида бўлиб, фаллачилик тажрибасини ўрганган андижонликлар ўз олдиларига тўғри мақсад қўйганликларига яна бир бор ишонч ҳосил қилишди. 1995 йил ҳосили учун уруғ экиш чоғида ана шу тажрибалар амалда қўллана бошланди. Айтиш жоизки, айни шу вақтдан эътиборан Андижон фаллачилигига юксалиш сари қадам ташланди.

Энди андижонлик деҳқонлар ерга тушадиган уруғлик ҳисоб-китобини биринчи ўринга қўя бошлашди. Бунга қадар ҳар гектар ерга 100—150 килограмм уруғ сарфланарди. Бу дунё тажрибасидаги энг паст натижа бўлиб, ҳосилдорликнинг ортишига хизмат қўлмас эди. Қолаверса, фаллачилик ҳам пахтачилик каби навлар янгиланиб туришига муҳтоҷ. Краснодарлик олимлар айни шу масалаларга эътиборни кучайтиришни таъкидлашди. Институтнинг уруғлик фондида сақланайтган кўплаб фалла навларидан намуналар беришди.

Олиб келинган буғдой намуналари Шахрихон туманидаги Т. Саримсоқов номидаги хўжалик далаларига тажриба тариқасида экилди. Синов майдони учун мазкур хўжалик танланиши бежиз эмас эди. Президентимиз томонидан фалла мустақил-

лиги ҳақида сўз очилгандан буён мазкур хўжалиқда бошоқли экинлар парваришида туб янгилинишлар юз бераб, бунинг самараси ўлароқ, ҳосилдорлик ҳам ортиб бораётганди. Хўжалик раҳбари Ўрмонжон Бозорбоев етакчилигидаги дехқонлар соҳада содир бўлаётган янгиликларга бефарқ қаравашмасди.

Бизнинг маҳаллий шароитга айтарли нотаниш бўлган фалла навлари хўжалик далаларида шунақа барқ уриб ривожландик, буни кўриб ҳайратланмасликнинг иложи йўқ эди. Ўша вақтда Краснодардан вилоятта таклиф этилган бир гурӯҳ олимлар Т. Саримсоқов номидаги хўжалиқда бўлганларида бундай манзарани кўриб, ҳаяжонларини яшира олишмади: “Уруғликни биз яратайлик-да, парваришни сизлар қилинглар”, дея ўзаро ҳамкорликка ҳам келишиб кетишиди.

Интилган одам мақсадига албатта эришади. Фалла ҳосилдорлигини оширишга қаратилган чора-тадбирлар ҳеч бир андижонлик дехқонни бефарқ қолдирмади. Тупроқ шароитига қараб уруғ сарфи ошириб борилди. Экиш муддатлари ноябрдан октябрга кўчди. Қиши-қировли кунларга қадар тўла кўчат олиш ҳамда униб чиққан майсаларни туплатиш одат тусига кира бошлади. Майсаларни озиқлантириш ва суфориш узвийлигига эришилиб, вилоятдаги ҳар

Дехқонки, тузлук била
дона сочар, ҳақ бирига
етти юз эшик очар.

Алишер Навоий




хўжаликда янги-янги, самарали тажрибалар пайдо бўлди.

Андижонлик деҳқонларнинг сара урукқа, уруг миқдорини қўпайтиришга, экиш муддатини олдинга силжитишга бу қадар эътибор қаратишгани бежиз эмасди. Зотан, бошоқ сони қўпайса, дон ҳам қўпаяди. Яъни ҳар гектар ерда 1,2 миллион туп кўчат ундирган яхшими ёки 4—5 миллион туп кўкартирган яхшими? Ваҳоланки, ўша вақтда дунё тажрибасида бу кўрсаткич 6—8 миллион тупни ташкил қиласр экан. Бир жойга бир хил навдаги буғдойни муттасил экиш тажрибаси ҳам ўзини оқламаган. Йилдан-йилга ютуқлар кўзга кўрина бошлади. Камчиликлар эса камая борди. 1996 йилги фалла мавсуми якунида Президентимиз Андижонга ташрифи чоғида Т. Саримсоқов номидаги хўжаликда бўлди. Дала бошида деҳқонлар билан ўтказилган суҳбатда фалла ҳосилдорлигини янада ошириш муаммолари хусусида ҳам гап кетди. Шунда Юртбошимиз деҳқонларга қаратса, “Биздан қандай ёрдам керак?” деб сўради. Миришкор Содикжон Абдурасулов кўрсатилаётган эътибор учун раҳмат айта туриб, фалла уруғчилиги маркази ташкил этиш ҳақида сўз очди. Президентимиз оддий деҳқоннинг бу қадар муҳим масалани қўтариб чиққанидан мамнун бўлди: “Бу таклифингиз жуда ўринли, албатта уни ўрганиб, татбиқ этамиз” деб вайда берди. Орадан кўп ўтмай, Вазирлар Маҳкамасининг шу ҳақдаги қарори















I-жадвал

Бошокчы дон экинлари майдони динамикаси (1991-2002й.)



Бошокли дон экинлари хосилдорлиги динамикаси (1991-2002й.)


2-жадвал



З-жадвал

1991-2002 йилларда республикада галла ишлаб чикариш ва давлатта сотиш


МИНГ ГА



4-жадвал


Ўзбекистонда дон ўриш комбайнлари сонининг ўсиши

дона




Nat urolsonlar

1998-2002 йилларда Карападарё вилоятининг сурориладиган майдонларида бошқали дон экини
учун четдан келтирилган уруғлик дон хажми(тонна ҳисобида)



Кашқадарё вилоятида 1998-2002 йилларда тайёрланган уруғлик ҳажми
(тонна хисобида)

38600





қабул қилинди. Шу тариқа Андижон вилоятіда уруғлик фалла етиштириш истиқболлари белгиланыб, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш учун асос қўйилди.

Дарҳақиқат, бугун Андижонда фалла уругчилги мактаби яратилган. Президентимиз ва хукуматимиз бу мактабнинг янада яхшироқ ишлаши билан боғлиқ масалалар ечимини топишда дехқонга мададкор бўляпти. Айниқса, Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 25 августда қабул қилинган Андижонда “Сугориладиган ерларда фалла ва дуккакли ўсимликлар илмий-тадқиқот институтини ташкил этиш тўғрисида”ғи қарори ана шу ғамхўрликнинг ёрқин намунаси бўлди, дейиш мумкин. Мазкур институт ташкил этилиши билан фаллачилик борасида жаҳон тажрибасини ўрганиш имкониятлари янада кенгайди. Краснодарлик олимлар билан бир қатор шартномалар тузилиб, уни ҳаётга татбиқ этишга киришилди. Кейинчалик хитойлик, франциялик, мексикалик олимлар билан ҳам шундай алоқалар ўрнатилди. ИКАРДО халқаро ташкилоти билан ҳамкорлик йўлга қўйилди. Бунинг самараси ўлароқ, янги ташкил этилган институтда фаллачилик генетикаси фондини юзага келтиришга замин яратилди. Краснодардан олиб келинаётган супер-элита буғдой уруғлари агротехникаси ўрганилиб, сўнгра оммавий тарзда экишга жорий этиш амалиёти мустаҳкам қарор топди. Айни вақтда селекция ишлари ҳам йўлга қўйилди.



Кувонарли жиҳати шундаки, Андижонда бошланган бундай интилиш бутун мамлакат бўйлаб ёйилди. “Андижонда фалла ҳосилдорлиги 50 центнерга етибди”, деган овоза тарқалганда мийифида қулганлар ҳам йўқ эмасди. Бугун эса баъзи уста фаллакорларнинг ҳосилдорликни 70-80, ҳатто 90 центнерга етказаётганлиги ҳақида-ги хабарлар ҳам ҳеч кимни ажаблантирмайди. Андижон фалла уруғчилиги мактабини яратиш йўлидаги изланишлар деҳқонлар тафаккурида ҳам катта ўзгаришлар ясаганлиги, айниқса, эътиборга молик. Юртбошимизнинг даъватига “лаббай” деб жавоб берган фаллакор деҳқонлар сафи кундан-кунга, йилдан-йилга кўпайиб боряпти, пировард натижада мамлакатимизда фалла мустақиллиги барқарорлик касб этиб бормоқда.

— Тўқсонинчи йилларнинг бошидаги аҳволни эсласам, юрагим орқамга тортиб кетади,— деда хотирлайди Балиқчи туманидаги “Намуна” ширкат хўжалиги раиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалиги ходими Аҳмаджон Ҳожиев. — Ўша алғов-далғов кунларда баъзилар нон танқислигини кўп бор юзимизга солишиди. Чиндан ҳам нон етишмай қолиши хавфи йўқ эмасди. Аммо биз шу нарсага қаттиқ ишонардикки, Президентимиз ўзбек халқини ўзгаларнинг қўлига қаратиб қўймайди. 1995 йил фалла мавсумида у киши билан мулоқотда бўлган эдим. Ўшанда Ислом Абдуғаниевич олтиндек товланиб ётган буғдойзорга тикилиб: “Мана, яхши кунларга ҳам



стиб келаяпмиз”, дегандилар. Бу лўнда гапнинг мавзун-моҳияти нақадар кенглигини тушуниш қийин эмас. Фалла хирмонимиз йил сайин юксалиб боряпти. Деҳқоннинг шартнома бўйича давлатга топширганидан ортган буғдой мавсумдан-мавсумга рўзгорига етапти. Бордонида дони бор деҳқоннинг кўнгли тўқ бўлади. Бундай одамнинг иши ҳам юришади.

Фалла уруғчилигига астойдил киришган андижонлик деҳқонлар ўтган йиллар мобайнида Краснодар селекциясига мансуб ўнлаб турдаги буғдой навларини қўпайтиришди. 1997 йил ёзидан буён Андижонда тайёрланаётган уруғлик буғдой “Петкус” русумли замонавий технология асосида тозаланаяпти, сараланаяпти, дориланяпти ва шундан сўнг жойларга юборилмоқда. Ушбу технология бир мавсумда 200 минг тоннагача уруғлик тайёрлаш қувватига эга. Жумладан, 2003 йил ҳосили учун 150 минг тоннадан ортиқ юқори сифатли уруғлик тайёрланиб, мамлакатимизнинг барча худудларига юборилди.

Ҳар йили Андижонда фалвир сувдан кўтарилиганда деҳқонларнинг анъанавий ҳосил байрами бўлиб ўтади. Бу байрамда пахтакорлар каби фаллакорлар ҳам меҳнатларига яраша рағбатлантирилади. Ана шундай мукофотлардан бири давлат буюртмасини бажаргандан сўнг ишловчиларга энг кўп буғдой тарқатган туман ва хўжаликларга берилади. 2002 йилда бу совринга Олтинкўл туманидаги “Машъял”, Избоскан туманидаги



А. Тиллабоев номидаги, Марҳамат туманидаги У. Қорабоев номидаги ширкат хўжаликлари сазовор бўлди. Рафбат албатта одамга куч-қувват беради. Янги-янги ютуқлар сари ундаиди. Ана шундай интилиш туфайли мамлакатимизда фалла мустақиллиги сари ҳаракат бошлангандан буён Андижон вилоятида шартнома режаси муентазам равишда ошириб бажарилмоқда. Ўтган йили 74 минг гектар ернинг ҳар гектаридан 75 центнердан дон олинди. Давлат омборларига 236,5 минг тонна ўрнига 246,5 минг тонна дон топширилди. Тармоқдан 26 миллиард сўм даромад қилинди. Рентабеллик даражаси 30 фоизга етди.

Фалла мустақиллиги шарофати билан қишлоқ хўжалиги корхоналарининг қадди тикланганлиги, деҳқонлар хонадонига барака кирғанлиги ҳақида ҳам истаганча гапириш мумкин. Бунга қадар мазкур соҳада ишлар шу қадар ўлда-жўлда эдики, озгина майдондаги ғаллани алмисоқдан қолган техника билан ёзнинг охиригача ҳам ўриб янчиб бўлмасди. Энди эса вилоят бўйича фалла ҳосили қурратли замонавий техникалар ёрдамида атиги бир ой ичida саранжомлаб олинаяпти. Натижада ҳосилнинг нобуд бўлиши бир неча бараварга камайди. Фалладан бўшаган майдонларга такрорий экинлар экиш муддатлари ҳам анча олдинга силжиди. Хуллас, фаллачилик энди қишлоқ хўжалигининг яхлит тармоғига айланди.

Одатда кўзлаган режасига эришган одам янги-янги орзу-ниятлар билан яшайди. Кўнглига тук-



кан орзуларини рүёбга чиқариш учун бетиним ҳаракат қиласы. Изланишларининг самараси кўринса, қулочни янада кенгроқ олаверади. Ҳозирда республикамизнинг барча минтақаларида Андижонда яратилган “Чиллаки” навини жуда яхши билишади. Бу навга бўлган талабнинг юқорилиги бежиз эмас. “Чиллаки” тезпишар навлар сирасига кириб, жанубий минтақаларда май ойининг ўрталаридаёқ пишиб етилади. Ҳосилдорлиги ҳам жойида. Андижонда генетика мақсадларида “Суперэлита” навлари мунтазам равишда қўпайтириб борилмоқда. Бошқа вилоятларда эса айни шу навдан қўп миқдорда уруғлик тайёрлаш йўлга кўйилди.

Нав синаш участкаларида “Андижон-1”, “Андижон-2” ва “Бобур” каби буғдой уруғликлари синови давом эттирилмоқда. Олиб борилаётган илмий-тадқиқотлар самараси ўлароқ, янги навларнинг истиқболи кўзга ташланмоқда.

Республика фаллачилиги ривожига салмоқли ҳисса қўшиши мумкин дея таҳлил қилинаётган “Марс-1” буғдой нави ҳадемай катта майдонларни эгаллайди. Тезпишарлиги жиҳатидан “Чиллаки”ни ҳам “йўлда қолдирадиган” ушбу нав бошқа бир қатор хусусиятлари билан ҳам айни пайтда катта майдонларда экилаётган буғдойларга нисбатан анчагина устунликка эга. Ҳозирда амалда бўлган “Купава”, “Уманка”, “Половчанка” каби буғдой навларига нисбатан истиқболли деб ҳисобланадиган “Марс-1” таби-



ий танлаш йўли билан яратилган. Бу янги нав 2002 йили давлат синовига топширилди. Шу билан бирга вилоятнинг 5 та хўжалигига тупроқ шароитига қараб турли муддатларда 64 гектар ерга экилди.

Бу навнинг ўзига хос жиҳатлари ҳақида унинг муаллифи, қишлоқ хўжалик фанлари номзоди Равшонбек Сиддиқов шундай дейди:

— Ўтган йиллар мобайнида экиб келинган буғдойлар билан “Марс-1” нави ўртасида анчагина фарқ бор. Бунинг донаси йирик-йирик. Мингта донаси ўртача 50 грамм тош босади. Бошқа навларники 38—40 граммдан ортмайди. Тўғри, бошқа навларда ҳам маҳсулдор бошоқ микдори қўп. Лекин ривожи бирдек эмас. “Марс-1”да маҳсулдор бошоқ сони ҳам кўп. Айни вақтда бир текис ривожланади.

Илм йўли мashaққатли. Селекция иши эса янада оғирроқ. Қисқа вақт ичида институтда селекция мақсадларига хизмат қиладиган фонд яратилди ва у тобора бойитилмоқда. Айни вақтда фалла етиштириш агротехникаси, заараркунандаларга қарши кураш каби йўналишларда ҳам иш олиб бориляпти. Институт олимларининг таъкидлашларича, ҳали фаллачиликдаги имкониятларнинг барчаси тўла юзага чиқарилганий ўқ. Халқаро ИКАРДО ташкилотининг маълумотларига қараганда, ҳозир баъзи мамлакатларда ҳар гектар ердан 10 миллион тупгача маҳсулдор бошоқ олинмоқда. Андижон вилоятида бу кўрсаткич эндиғина 5,5—6 миллионга етка-



зилди. Мамлакатимиз миқёсида олиб қараганда, ундан ҳам камроқ.

Кузда, бошоқли экинлар экиш чоғида Андижонга келсангиз, дәхқон бир квадрат метр ерга қанча уруғ тушаётганлигининг ҳисобини олаётганига гувоҳ бұласиз. Шунча майдонға 600 дона бүгдей дони түшса маъқул бўлади. Бундан кам тушдими, демак дәхқончиликка хиёнат! Ана шундан келиб чиқиб ишни ташкил этиш одат тусига кирган. Тўғри, барча ер баробар эмас. Соф тупроқларга гектарига 250 килограмм уруғ сарфланаётган бўлса, қумлик ва адирикларда бу кўрсаткич 330—350 килограммгача етади. Андижонда ҳосилдорликнинг ортиши сирларидан бири бу. Бундай сирлар эса жуда кўп. Ҳар йили бу ерга республика мизнинг турли чеккаларидан кўплаб меҳмонлар келишади. Улар хоҳ ҳоким, хоҳ мутахассис ёхуд хўжалик раҳбари бўлсин, дала заргарлари билан мулоқотда бўлишни хуш кўришади. Шу йил баҳор бошида Қашқадарёдан катта гуруҳ келган эди. Меҳмонлар сафида туман ҳокимлари ва қишлоқ хўжалигига алоқадор раҳбарлар бор эди. Улар Олтинқўл туманидаги бир қатор хўжаликларда бўлишди. Наники, далада, хонадонларда, хўжалик омборида ҳам бўлишиб, сақланыётган бүгдейларни кўришиди. “Намуна” ширкат хўжалигининг Сиёсатхон Абдуллаева етакчилигидаги ижарачилари дала ший-

Бүгдей эксанг, кузда эк, яхши ҳайдаб бўзга эк.

Ўзбек халқ мақоли.



понида қурилган тандирдан эндиғина узиб олин-
ган бўрсилдоқ нондан татиб қўришиб, барчалари
бейхтиёр тасанно деб юбориши.

— Бундай тандирлар хўжалигимизнинг 18 та
шийпонида бор,— дея меҳмонларга тушунтириди
бошқарув раиси Мамажон ота Ҳамроев.— Ўрта-
ча ҳар бир дала шийпонига йил давомида 2 тон-
надан буғдой кетади. Бу шунчаки хўжакўрсинга
қилинган иш эмас. Тушлик чоғида дала шийпо-
нига келганингда олдингда иссиққина нон тур-
ганига нима етсин! Кўз ҳам тўяди, кўнгил ҳам,
қорин ҳам.

Қашқадарёлик меҳмонлар ижарабачиларни са-
волларга кўмиб ташлашди. Мезбонлар эса бе-
рилган барча саволларга шу қадар жонли мисол-
лар билан жавоб қайтаришди, бундан қониқ-
қан меҳмонлардан бири: “Мана, андижонлик
дехқонларнинг илфорлиги сири қаерда? Иши ра-
воннинг тили ҳам бурро бўлади-да!” дея хитоб
қилди. Яна бошқа бири айтдики: “Биз сизларга
ҳавас қиляпмиз. Ҳавас қилган сари ўзимизнинг
ҳам ишимизда барака қўриняпти. Айниқса, сиз-
лардан олаётган уруғлик бугдойлар ҳосилдорли-
ги жиҳатидан бизга маъқул”. Бундай самимий
эътирофлар, истаклар ва тилаклар бисёр. Кўплаб
дехқонлар, фермерлар андижонлик фаллакорлар-
дан хурсанд бўлишиб, сара уруф учун миннат-
дорлик билдиromoқда.

Чин юракдан айтилган бундай самимий сўзлар
андижонликлар зиммасига янада масъулият юк-



лайди. Биз Избоскан туманидаги А.Тиллабоев номидаги ширкат хўжалигида бўлганимизда, кекса дехқон Усмонжон ота Худойбердиев бошоқ тортган далаларга боқар экан, кўлини дуога очди:

— Яратганга шукур! Президентимизга минг бор раҳмат! Халқимизнинг нон борасида ҳеч кимдан тили қисиқ жойи қолмади. Бордонимиз оша дон, дастурхонимиз тўла нон. Илоё, шундай кунлар тоабад бўлсин!

Қобилжон АСҚАРОВ





ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ ФАЛЛАКОРЛАРИГА

Қадрли хоразмлик миришкорлар!

Сизларни ғалта етиштириш бўйича ўз зиммангизга олган йиллик мажбуриятларни мамлакатимизда биринчилардан бўлиб шараф билан адо этганингиз билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги, бутун мамлакатимиз сурункасига икки йил давомида қаттиқ қурғоқчиликка дуч келиб, оғир қийинчиликларни бошидан кечираётган бир пайтда сиз — хоразмлик заҳматкаш дехқонларнинг эришган бу меҳнат ғалабангиз ҳар қандай юксак таҳсинга сазовор, десак, муболага бўлмайди.

Мен Хоразм вилоятининг мураккаб иқлим ва тупроқ шароитини назарда тутиб, бу заминда дехқончилик қилиш, унинг кучли шамоли, қаҳратон совуғи, жазирама иссигига бардош бериб мўл ҳосил етиштириш — ҳақиқий қаҳрамонликдир, деб айтган сўзларимни бугун яна бир бор таъкидламоқчиман.

Бу ҳақиқатни сизлар ҳар қунлик меҳнатингиз, мана шу эришган улкан ютуфингиз билан яққол тасдиқлаб турибсиз.



Бундай ютуқقا аввало ўз ери, ўз юртини жон дилидан севадиган, мардлик ва шижаат, омилкорлик билан меҳнат қиласидиган матонатли ва фидойи инсонларгина эриша олади.

Мана шундай сабот ва қатъият билан яшаб, ишлаётган сиз — вилоят аҳли халқ ҳўжалигининг бошқа барча соҳаларида ҳам ўз олдингизга қўйган мэрраларга албатта етасиз, деб ишонч билдираман.

Фурсатдан фойдаланиб, бу йил бошимизга тушган оғир синов — сув танқислигидан азият чеккан Хоразм элининг дарду ташвишларини енгиллатиш, вилоят аҳолисини ижтимоий муҳофаза қилиш, кургочилик оқибатларини бартараф этиш учун давлатимиз томонидан барча зарур кўмак ва ёрдам берилади, деб сизларни ишонтириб айтаман.

Хоразм халқи табиий оғат олдида ҳеч қачон ёлгиз қолмаган ва қолмайди.

Барчангизни бугунги катта ғалабангиз билан яна бир бор қутлар эканман, сизларга соғлиқомонлик, хуш кайфият, хонадонларингизга тинчлик, файзу барака тилайман.

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти
2001 йил 20 июнь





ИЛГОР ТЕХНОЛОГИЯЛАРГА СУЯНИБ...

Етиштирилаётган донни қайта ишилаш, аҳоли истеъмоли учун юқори сифатли нон, қандолат ҳамда макарон маҳсулотлари ишлаб чиқарилишига эришиш мухим вазифалардан. “Ўздонмаҳсулот” давлат акциядорлик корпорацияси раиси Икромхон НАЖМИДДИНОВ билан республика донни қайта ишилаш саноати тизимида бу борада амалга оширилаётган ишлар, ислоҳотлар жараёнининг бориши ва соҳанинг келгуси истиқболлари хусусида сұхбатлашдик.

— Икромхон Ҳошимхонович, айтинг-чи, истиқлол йилларида республикамизда ғалла мустақиллигига эришиш йўлида амалга оширилган кенг кўламли ислоҳотлар жараёнида донни қайта ишилаш корхоналарининг иштироки нималардан иборат бўлди? Корпорациянинг қишлоқ хўжалик корхоналари, яъни дон етиштирувчилар билан ўзаро алоқалари қай йўсинда йўлга қўйилган? Умуман, ғаллани қайта ишилаш, сифатли нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқаришда мавжуд моддий-техник, меҳнат ва молиявий ресурслардан унумли ва тежамкорлик билан фойдаланиш юзасидан қандай ишлар қилинмоқда?



— Корпорациямиз тизимидағи корхоналар асосан халқымиз дастурхонини қандолат (172 хил турда), макарон (22 хил турда), нон ва нон маҳсулотлари (102 хил турда) билан таъминлашга хизмат қиласы. Истиқлол йилларида бундай маҳсулотлар ҳажми, ассортименти ва сифатини ошириб боришига жиддий эътибор қаратыла бошлады. Бунинг учун, биринчи навбатда, мавжуд корхоналардаги эски технологиялардан воз кечиб, ўрнига босқичма-босқич равишда янги, замонавий, жақон андозалари талабига жавоб берадиган асбоб-ускуналарни ўрнатиш талаб этилар эди. Таъкидлаш жоизки, бу борада бир қатор ишлар амалта оширилди. Хусусан, кейинги вақтларда республикамизга 115 та “Винклер”, 38 та “Экмосан”, 6 та “Гастол” русумли хорижий технологияга асосланған дастгоҳлар олиб келиб ўрнатылды. Айни пайтда улар ёрдамида 274 хилдаги қандолат, нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқарылмоқда. Шунингдек, ўтган йиллар давомида тұлық янги ускуналар билан жиҳозланған бир нечта құшма корхоналар ишга туширилди. Бундан ташқари, Наманган, Нукус, Хоразм шаҳарларидаги ун ишлаб чиқарувчи корхоналар халқаро андозаларга мос равишида тұлық реконструкция қилинди.

Тизимимизда 186 та ун корхоналари бўлиб, уларнинг бир кунлик қуввати 2865 тонна нон маҳсулотлари ишлаб чиқаришга мўлжалланган. Аҳолининг ўзида шартномадан ташқари дон



қолаётгани сабабли 2002 йилда бир кунда ўртасча 957 тонна нон маҳсулотлари ишлаб чиқарилган бўлса, 2003 йилда бу кўрсаткич 500 тоннага тушди.

Республикада эришилган галла мустақиллигини кафолатлашда уруғлик доннинг сифатини яхшилаш ҳам муҳим ўрин тутади. Шу мақсадда 30 дан ортиқ янги уруғчилик цехлари қурилди. Ҳозир уларда республикамизнинг ўзида етиширилган 20 дан ортиқ турдаги фалла навлари уруғи сифатли сараланиб, экиш учун тайёрлаб берилаяпти.

Корпорация тизимидағи корхоналар билан донетиширувчилар ўртасидаги муносабатлар икки томонлама teng асосларда тузилган шартномаларга биноан йил сайин ривожланиб бораяпти. Дастребаки пайтларда маҳсулот етишириш ва қабул қилиш юзасидан фақат жамоа хўжаликлири билан шартномалар тузилар эди. Эндиликда фермерлар ҳам мустақил равишда корхоналаримиз билан тўғридан-тўғри ана шундай ҳукуқий муносабатлар ўрнатишяпти. Ўз навбатида, ўзаро муносабатларни қонуний асосларда йўлга қўйишга бўлган қизиқиши, қолаверса, томонларнинг ўз манфаатларини ҳимоя қилишга бўлган интилишлари ҳам кучайиб бораяпти. Айниқса, кейинги икки-уч йилда хўжалик судларида ҳар иккала томоннинг эътиrozларига асосланган даъво аризаларининг кўриб чиқилиши ҳолатлари бирмунча кўпайди. Бу эса ҳар бир субъектнинг



ўз манфаатларини ҳимоя қилишни ўрганаётган-лигидан далолат беради.

Яна бир эътиборли жиҳати, кейинги йилларда корхоналаримизда деҳқонлар етиштирган донни қабул қилиб олиш, жойлаштириш ва сифатли сақлаш имконини берувчи элеватор ва механизация-лаштирилган омборларга эга бўлган моддий-техника базаси яратилди. Бугунги кун жами 190 та, шу жумладан, 47 та дон қабул қилиш корхоналари, 38 та қайта ишловчи ва тайёрлов элеваторлари, 105 та ёрдамчи шохобчалар фаолият кўрсатаяпти.

Тармоқдаги саноат корхоналарини хорижда ишлаб чиқарилган ускуналар билан жиҳозлаш юзасидан корпорация бошқарувининг маҳсус қарори қабул қилинган. Унга кўра, 2004 йилдан эътиборан имконият даражасида молиявий манбалар кўпайтирилиб, ҳар йили камида 2 тадан ун комбинатларини қайта жиҳозлаш кўзда тутилган. Юқорида таъкидлаганимдек, Германиянинг “Винклер”, Югославиянинг “Гастол” ва Туркиянинг “Экмосан” фирмалари линияларини олиб келиб ўрнатиш ишлари бундан кейин ҳам давом эттирилади.

— Фаллакорлар етиштирган уруғлик донни қабул қилиб олиш, саралаш ва сифатли сақлаш масаласига ҳам атрофлича тўхталсангиз.

**Бир бошоқ дон —
бир сават нон.**

Ўзбек ҳалқ мақоли



— Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йилда қабул қилинган “Бошоқли дон экинлари навлари бўйича жойлаштиришини такомиллаштириш, уларнинг селекцияси, уругчилигини яхшилашга доир қўшимча чоратадбирлар тўғрисида”ги 317-сонли қарори талабларидан келиб чиқсан ҳолда донни алоҳида навларга қараб қабул қилиш, шу асосда дорилаш, навлари билан тақсимот йўсинида жойларга етказиб бериш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда. Шунингдек, 2004 йилги фалла ҳосили учун уруғлик дон тайёрлаш юзасидан ҳам тегишли қарор қабул қилинган. Унга асосан корхоналаримиз белгиланган миқдордаги уруғлик донни жамғарив, тозалаб, саралаб, дорилаб хўжаликларга етказиб беради.

— 2003 йилда корпорация тизимидағи корхоналарда қанча миқдордаги донни қабул қилиб, қайта ишлаш мўлжалланган?

— Бу йил Республикаимиз бўйича жами 2 миллион 812 минг 700 тонна фалла қабул қилишимиз керак. Унинг 2 миллион 500 минг тоннасини товар дон ва 312700 тоннасини уруғлик фалла ташкил этади. Бу ишни тўла-тўкис амалга ошириш учун барча имкониятларимиз етарли, тегишли шартшароитлар яратилган. Уруғлик донни дорилашда ишлатиладиган кимёвий препаратлар келтириш юзасидан ҳам тегишли шартномалар имзоланганд, бу борада ҳам ҳеч қандай муаммо юз бермаслигига ишончимиз комил. Мавжуд хом ашёни қайта иш-



лаб, турли хил маҳсулотларга айлантирган ҳолда истеъмолчиларга ўз вақтида сифатли даражада етказиб беришни мўлжаллаганмиз.

— Шу ўринда бир муаммога ойдинлик киритиб ўтсак. Сўнгти вақтларда нима учундир корпорация тизимидағи корхоналарда ун ишлаб чиқариш куввати бироз пасайди. Тайёрланган ун сифати ҳам истеъмолчиларни унчалик қониқтирмаяпти. Бунинг сабаблари донни қайта ишлаш жараёнига бориб тақаладими ёки юртимизда етиштирилаётган буғдой навлари сифати билан боғлиқмикин? Бу хусусда Сизнинг фикрингиз қандай?

— Саволингизда жон бор. Очифини айтиш керак, биз яқин-яқингача мавжуд шароитни ҳисобга олган ҳолда, дон етиштиришда асосий эътиборни миқдорга қаратишга мажбур эдик. Нима қилиб бўлса ҳам аҳолини етарли миқдорда ун, нон ва нон маҳсулотлари билан таъминлашга ҳаракат қилдик. Республикаизда фалла мустақиллигига эришилиши натижасида эса бу борада ҳам сифат масаласига жиддий эътибор берила бошланди. Бу хусусда маҳсус ҳукумат қарорлари қабул қилинди. Биз шу йилнинг март ойидан ишлаб чиқаришни тўла биринчи ва олий навли ун тайёрлашга ўтказдик. Натижада ижобий ўзгаришлар кўзга ташланмоқда. “Алномиш”, “ШахриКеш” қўшма корхоналарида ишлаб чиқарилаётган уннинг сифати бугунги талабларга тўла жавоб беради. Уларнинг маҳсулоти ҳатто хорижга ҳам экспорт қилинмоқда. Келгусида бун-



дай замонавий тегирмонлар сонини кўпайти-ришимиз керак.

Тизимдаги аксарият корхоналар ҳақиқатан ҳам ҳозирча тўла қувват билан ишламаяпти. Ўтган йили мамлакатимизда жами 5 миллион тоннадан зиёд дон етиширилди. Аҳолининг қўлида унинг каттагина қисми қолганлиги учун бизнинг маҳсулотларимизга эҳтиёж камроқ. Қолаверса, маҳаллий тадбиркорларнинг ихтиёрида ҳам мини-тегирмонлар кўп. Уларда ишлаб чиқарилаётган уннинг сифати ҳар ҳолда ёмон эмас.

Корхоналаримизда ҳозир ишланаётган уннинг нави хорижникидан қолишмайди. Келажакда уларнинг барчасини замонавий ускуналар асосида тўлиқ реконструкция қилгач, халқимизни биринчи ва олий навли ун билан етарли миқдорда таъминлаймиз, деб ўйлайман. Бир сўз билан айтганда, ун сифатининг пастлиги ҳозирча мавжуд донни қайта ишлаш технологияларининг эскирганлиги билан изоҳланади.

— Сизнингча, яқин йилларда ғалланинг сифат мустақиллигига ҳам эришамизми?

— Бунинг учун деҳқон ғаллани ўз хирмон жойида сифатли қилиб қуритиб, тозалashi ва шундан кейингина бизга олиб келиб топшириши керак. Чет элларда тартиб шунаقا. Шу пайтгача бизда бунга эътибор берилмаган, даладан ўриб олинган ғалла комбайн бункеридан тўғри қайта ишлаш корхоналарига ташиб келтирилган.



Бу эса унинг сифатига жиддий таъсир кўрсатади. Эндиликда ана шундай ҳолатларга ҳам аста-секин барҳам берилади. Ширкат ва фермер хўжаликлари мутасаддилари ўзлари етиштирган донни яхшилаб қуришиб, тозалагач, бизнинг корхоналаримизга топширишса, уннинг сифатини яхшилашга ҳам ёрдам берган бўладилар.

— Истиқлол йилларида дон етиштиришнинг кўпайтирилиши омиллари ҳақида гапириб ўтдингиз. Энди ана шу омилларнинг тармоқда даромад салмоғини оширишга бўлган таъсири хусусида ҳам тўхталиб ўтсангиз.

— Умуман, дончилик — ҳамма жойда ҳам сердаромад, рентабелли тармоқ ҳисобланади. Чунки фалла етиштириш асосан механизациялаштирилган, қўл меҳнати камроқ сарфланади. 2000—2002 йилларда бу борада эришилган натижалар таҳлили ҳам шундан далолат беради.

2000 йилда ширкат ва фермер хўжаликлари шартномадан зиёд етиштирилган ҳар бир тонна донни бизнинг корхоналаримизга келишилган нарҳда ўртacha 26 минг сўмдан соттан бўлса, 2003 йилда бу рақам 73 минг 200 сўмга кўтарилди. Шу уч йил давомида давлат эҳтиёжлари учун сотиб олинадиган ушбу маҳсулотнинг нархи қарийб уч баробарга оширилди. Исталган бошқа экинларга солиштирилганда ҳам бу ўсиш суръати анча юқори саналади. Энг ночор хўжаликларда ҳам дончиликда рентабеллик даражаси 15 фоиздан, энг юқори ҳосил кўтарган ширкат ва фермер-



ларда эса 50 фоиздан кам бўлмайди. Шу нуқтаи назардан олиб қарайдиган бўлсак, галлачилик қишлоқ хўжалигидаги энг асосий даромадни берайтган тармоқлардан ҳисобланади. Шундай экан, уни янада ривожлантириш биринчи галда ширкат ва фермер хўжаликлари учун катта манфаат келтириши шубҳасиз.

— Суҳбатимиз ниҳоясида ўзбек донини хорижга экспорт қилиш истиқболлари ҳақида ҳам тўхталиб ўтсанғиз.

— Дарҳақиқат, бугунга келиб Ўзбекистоннинг галлачилик борасида ҳам экспорт имкониятлари юзага келмоқда. Бу йил қўшни Афғонистонга 200 минг тонна ун ва 100 минг тонна дон экспорт қилиш бўйича ўзаро шартномалар имзоланган. Кейинчалик бу борадаги рақамлар 350-400 минг тоннани ташкил этиши ҳам мумкин. Эътибор беринг, республикамизда 1990 йили бор-йўғи 94 минг тонна дон этиширилиб, эҳтиёж учун зарур бўлган фалланинг 95 фоизи четдан олиб келинган, аҳоли жон бошига 8—9 килограммдан буғдой тўғри келган бўлса, мустақилликнинг 11-йилда ўша йилдагидан нақ 25 баравар кўп буғдой этиширилди. Бу — Ўзбекистон тўлиғича фалла мустақиллигига эришди, деганидир. Ушбу натижалар эса Президентимиз бошчилигига мамлакатимиз хукумати томонидан олиб борилган изчил иқтисодий ислоҳотлар самарасидир.

Корпорациямиз олдида турган асосий вазифалардан бири эски тегирмонларимизни янги



технологиялар асосида тұла реконструкция қилишдан иборат. Шу тариқа мавжуд корхоналаримиз фаолияти ҳам замон талаблари асосида йўлга қўйилиб, юқори сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқариш имкониятлари юзага келтирилади.

Сүхбатдош: Мақсуд АКРАМОВ





ҚАШҚАДАРЁНИНГ ҚИРМИЗИ ХИРМОНИ

Қашқадарё дони ҳақида гап кетганда, нисбатан қисқа муддатда вилоятда фаллачиликни ри-вожлантириш борасида улкан натижаларга эри-шилганилигини ҳақиқий маънода мўъжизага қиёс-лаш мумкин. Ҳолбуки, бугун дон етиштириш бўйича мамлакатда етакчи ўринни эгаллайдиган вилоятда ҳам истиқлолгача бу тармоққа деярли эътибор берилмасди. Ўзим ҳам шу воҳада туғи-либ ўсганлигим боис бу ҳол одамлар учун не-чоғли қийинчиликлар туғдирганлигидан озми-кўпми хабардорман.

Бизнинг ўсмирлик даврларимиз саксонинчи йилларга тўғри келган эди. “Социализм гуллаб-яшнаган, эрта-индин коммунизмга оёқ қўйиш-га чоғланиб турган тузум”да яшаган биз ёшлар учун ҳам нон муаммоси бегона эмас эди. Дарс пайти ўқитувчининг лоқайд оҳангда сўзлаб бе-радиган фаровон ҳаётимиз афзалликлари-ю, ка-питалистик жамиятда яшаётган мазлум кишилар-нинг эзгин аҳволи ҳақидаги ҳикояларини жим-гина тинглаб ўтирадигу, танаффус пайтида болалар биланчувиллашиб, бугун дўконга ун ке-



лиш-келмаслиги ҳақида ўзаро баҳслашардик. Мактабдан қайтгач эса чой ичар-ичмас, дўконга югурадик. У ерда “база”га кетган Ҳасан дўкончининг йўлини пойлаб ўтирган одамлар орасидан жой олардик. Узоқдан устига оппоқ қопларда ун ортилган трактор кўзга чалингудек бўлса, ҳамма ёш боладек суюниб, югур-югур қилиб қоларди. Бундай чоғларда аллақайси ўлкалардан келтириладиган уннинг нави-ю, сифатига қараб ўтирилмасди. Одамлар имкон қадар кўпроқ ун олиб қолишга ҳаракат қилишарди. Аммо кўпинча Ҳасан дўкончи кечга яқин қишлоққа қуруқ кўл билан қайтар, “база”да ҳеч вақо йўқлигидан сичқонлар ҳам ҳассага суюниб юрибди”, дерди алам билан бош чайқаб. Шундан сўнг ғала-ғовур бошланарди...

Бир воқеа ҳеч эсимдан чиқмайди. Ўшандай кезлардан бирида бизнинг уйимизда ун тугаб қолди. Отам раҳматли оддий ўқитувчи, хокисор одам эди. У киши икки-уч кундан бери ақалли бир қопгина ун топиш илинжида чор тарафга зир югарар, аммо ҳеч қандай натижа йўқ эди. Онам супрани қоқишириб, бир амаллаб ярим тандир нон ёпди. Каттагина рўзгор учун бу урвоқ ҳам бўлмас эди. Кечки овқатни деярли нонсиз тановвул қилдик. Эртаси куни тонгда онам иккаламиз автобусда туман марказига йўл олдик. Сўраб-суришириб нон дўконини топдик. У ердан бир қоп буханка нон сотиб олиб, уйга қайтдик. Кейинчалик ун топилгунча онам билан яна бир-икки



бор туман марказидан нон олиб келишимизга түгри келди.

— Қани энди ўзимизнинг буғдойимиз бўлса,
— дерди онам ўшандай пайтларда афсус билан.
— Тегирмонда торттириб, нон қилиб еяверар эдик. Қачон магазинга ун келаркин, деб сарғайиб ҳам ўтирмасдик.

Онамнинг айтишича, бир замонлар бизнинг қишлоқда ҳам одамлар фалла экишган. Йил — ўн икки ой омборларидан дон аримаган. Кейинчалик колхоз тузилгач, етиштирилган арпа-буғдой ҳам давлат ихтиёрига ўтган. Бора-бора ҳамма жойга пахта экила бошланган, фаллачилик эса бутунлай “эсдан чиқарилган”.

Фалати замонлар эди. Одамлар даладан бери келмас, аммо кўпинча қоринлари тўйиб нон емасди. Қўлларида пули бўла туриб, нон тополмасди. Айрим ҳолларда эса дўконларда керагидан ортиқ дараҷада тўпланиб қолган қоп-қоп унлар миталаб, ачиб ётар эди. Собиқ тузум давридаги бундай номутаносибликларни ақл билан тушуниб бўлмасди...

Ҳарқалай, ўша даврлар ҳам ўтмишга айланди. Ҳозир замон бутунлай бошқа. Тўкинлик. Муҳими, нон сероб. Энди бизнинг қишлоқда ҳам одамлар буғдой экишади. Ҳар бир хонадоннинг омборида етарли дони бор. Ҳасан aka эса дўкончикни ташлаб, тегирмон очган. Ҳамқишлоқларининг донини тортиб бериб, дуосини олиб тинчгина яшаб юрибди. Энди ҳеч ким “Нега ун



келтирмадинг?", деб унинг ёқасидан олмайди. Одамларнинг қорни ҳам, кўзи ҳам тўқ. Ҳар гал қишлоққа борганимда онам дастурхон ёзиб, тандирда қип-қизариб пишган бўрсилдоқ нонларни қўяди. Ўзимизнинг томорқада пишган бугдой унидан ёпилган нонлар. Ёқимли ҳиди димоқларни қитиқлади. Ширин мазасини ҳеч нарсага қиёслаб бўлмайди. Еган сари егиси келади кишининг. Шундай кезларда кекса онам кўпинча икковимизнинг туман марказидан буханка нон ташиғанларимизни эслайди. "Ушоги кўп бўлишини айтмаса, шаҳарликларнинг ҳам нони ширин бўлар экан-а, ўғлим,— дейди жилмайиб. Сўнгра бироз жиддий тортади. — Ўша кунлар ҳам ўтди-кетди. Мана, энди дастурхонимиз тўла нон, еганимиз олдимиизда, емаганимиз ортимиизда. Шундай дориломон кунларга етказганига шукр!"

Қашқадарёning қирмизи хирмонлари...

Мустақиллик шарофати билан вилоятнинг фаллачилик соҳаси улкан имкониятларга эга эканлиги амалда ўз исботини топа бошлади. Очифи, юқоридаги каби доимий "ун машмашалари" қашқадарёликларнинг ҳам сабр косасини тўлдирган эди. Шу боис Президент Ислом Каримовнинг фалла мустақиллигига эришиш ҳақидаги даъвати воҳа деҳқонларини руҳлантириб юборди. Улар бу ишга ўзгача файрат-шижоат билан киришди. Натижада 1992 йилги мавсумдаёқ вилоят бўйича 399 минг тоннадан зиёд дон етиширилди. Шу йили Чироқчи туманида жами 94742 тонна дон олин-



ди, Касби тумани фаллакорлари эса ялпи ҳосилдорликни гектарига 30 центнерга етказиб, күпчиликка ўрнак бўлишди.

Ўша йили вилоят бўйича 283 минг гектар майдонга дон экилган эди. Ҳосилдорлик эса ўрта ҳисобда гектарига 14,1 центнердан тўғри келди. Албатта, бугунги кун нуқтаи назаридан қараганда, бу рақам билан мақтаниб бўлмайди. Аммо тармоққа эндингина жиддий эътибор берила бошлангани, ҳали юқоридаги майдонларнинг асосий қисмини лалми ерлар ташкил этишини ҳисобга олганда, буни тўғри тушуниш мумкин. Қолаверса, вилоятда фаллачиликда нав танлаш,

майсаларни минерал ва маҳаллий ўғитлар билан озиқлантириш ва парваришилаш техникаси энди-энди шаклланиб келмоқда эди.

— Мустақилликкача бизнинг вилоятда ҳам жуда оз микдордагина фалла этиширишга рухсат берилар эди, — дея ҳикоя қиласи дехқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси Нишон тумани вакиллиги раҳбари, кекса дехқон Ҳайитмурод Фармонов. — Хўжаликларда нари борса, 200-300 гектар майдонга буғдой экиларди. Шунда ҳам сув чиқиши қийин бўлган, ҳосилдорлиги паст ерлар ажратиларди. Мен раҳбарлик қилган йи-

Дехқончилик қилиб, зироат экиш фойдаю хайр – барака бирла муштаракдир, ўз халқини беҳад кўп хайр-баракага буркайди.

Маҳмуд Замахшарий

сат берилар эди, — дея ҳикоя қиласи дехқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси Нишон тумани вакиллиги раҳбари, кекса дехқон Ҳайитмурод Фармонов. — Хўжаликларда нари борса, 200-300 гектар майдонга буғдой экиларди. Шунда ҳам сув чиқиши қийин бўлган, ҳосилдорлиги паст ерлар ажратиларди. Мен раҳбарлик қилган йи-



рик хўжаликда эса энг кўп — 400 гектар фаллазор бор эди. Табиийки, яхши ерларни пахта банд этган эди. Фаллага ўфит бермас эдик, сувни ҳам қизғанардик, топганимиз пахтага кетарди. Ўша кезлар гектарига атиги 100—150 кило фалла уруғи сепардик. Ошиб борса, гектаридан 13—15 центнердан ҳосил олардик, холос.

Юртбошимиз Ислом Каримов Қашқадарё вилоятига раҳбарлик қилган пайтларида бу соҳага ҳам жиддий эътибор қаратди. У киши бизларга ҳамиша: “Буғдойни яхши ерга экинглар, вақтида суғориб, вақтида парваришланглар”, дея уқтиради. Бу гаплар биз учун сабоқ бўлди. Шундан сўнг фаллачилик ҳақида ҳам тузукроқ ўйлай бошладик. Бир гал Ислом Абдуғаниевич келиб, далаларимизни қўздан кечирди. Бошоқлари тўлишиб турган буғдойларни кўриб, хурсанд бўлди.

— Бу ердан қанчадан ҳосил олмоқчисиз, оқсоқол? — дея сўради мендан.

— Гектарига ўттиз центнердан кам бўлмайди,— дедим ички фуур билан. Чунки бу ўша даврлар учун анча юқори натижа саналар эди.

— Ўттиз центнер бўлса, ҳозирча ёмон эмас, — деди Ислом Абдуғаниевич. — Аммо бу рақамини келажакда яна ошириш мумкин. Бунинг учун ҳамма имкониятлар етарли. Фақат уларни ишга сола билишимиз керак.

Мухтарам Президентимизнинг ўшандада айтган гаплари истиқлолдан сўнг амалга оша бошлади. Дарҳақиқат, бугун ҳеч ким: “Гектарига ўттиз



центнердан дон олдим”, дея мақтанолмайды. Бир вақтлар аранг 10—15 центнер бүгдой етиштирилген далалардан ҳозир илфор фермерларимиз 60-70 центнердан ошириб сара дон олишяпты.

Дархакиқат, Қашқадарё вилояти фаллачилик соҳасида улкан имкониятларга эга эди. Суғориладиган фалла майдонларини кўпайтириш баробарида лалми фаллачиликка ҳам жиддий эътибор қаратилди. Албатта, дала-даштда экилган доннинг нечоғли ҳосил бериши, аввало, осмоннинг “қош-қовоғи”га — ёғингарчилик миқдорига боғлиқ. Шу билан бирга, майдонларга етарли миқдорда, сара уруғ қадаш, майсаларни минерал ўғитлар билан озиқлантириш ишларининг сифатли ташкил этилиши ҳам ҳосилдорлик ошишида катта ўрин тутиши сир эмас.

Қашқадарёлик заҳматкаш дехқонлар бу борада ҳам ўзларининг тажриба мактабларини яратиб, дон ишлаб чиқариш ҳажмини ошириб боришли. Мисол учун, 1994 йили вилоятда 330 минг 814 гектар майдондан 389 минг 664 тонна дон олинган бўлса, 1995 йили 340 минг 536 гектарга уруғ қадалиб, 491 минг 716 тонна ҳосил етиштирилди. Ушбу рақамлардан кўриниб турибдики, вилоятда йилдан-йилга фалла майдонлари кенгайиб борган. Яна бир муҳим жиҳати, ўша йили Қашқадарё фаллакорлари илк бор салкам ярим миллион тонналиқ улкан хирмон кутаришиди. Вилоятда 1997 йили 489 минг 759 ва 1998 йили 466 минг 902 тонна фалла тайёрланди. Ниҳоят, 1999



йили ярим миллион тонналик довон забт этилди. Бу хушхабар Республикамиз бўйлаб овоза бўлиб кетди. Қашқадарёлик фаллакор дехқоннинг ҳам саратон офтоби-ю, қайноқ гармселлар тафтидан қорайган чеҳрасида мамнуният, қониқиши ҳислари акс этди. Қувончлиси, улар орасидан ҳам мамлакатга ибрат қилиб қўрсатса арзийдиган фаллачиликнинг жонқуярлари, уста дехқонлар етишиб чиқа бошлади. Ўша йили вилоятнинг Касби туманидаги Шароф Рашидов номидаги ширкат хўжалик бош пудратчиси Файбулло Раҳмонов бу соҳани ривожлантириш борасидаги улкан хизматлари учун Президентимиз Фармонига биноан “Ўзбекистон Қаҳрамони” унвони билан тақдирланди. Таъбир жоиз бўлса, унинг кўксидаги порлаб турган “Олтин юлдуз” нишони бутун бошли воҳа дехқонлари меҳнатига берилган юксак баҳо эди.

Шу йил жавзонинг ilk кунлари Касбига йўлимиз тушди. Қаҳрамон дехқонни дала бошида учратдик. Бир томонда дуркун фўза ниҳоллари, иккинчи тарафда шовуллаган фаллазор. Табиатан содда, дўлвор бу инсон ҳар галгидек, тетик ва хушкайфият эди.

— Бултур буғдойнинг “Чиллаки” навини экиб, гектаридан 62 центнердан ҳосил олувдик,— дейди Файбулло ака. — Бу йил 48 гектарда “Юна” деган навни парваришляяпмиз. Мутахассисларнинг айтишича, жуда серҳосил эмиш. Чиндан ҳам, авжи зўр. Ўзимнинг хомчўтларимга қараганда,



гектаридан 70 центнердан ошириб ҳосил берип ши тайин.

— Қачондан бери ғалла экасиз? — сўрайман Файбулло ақадан.

— Ўн икки йилдан бўён... Мустақилликдан сўнг бизларга ҳам пахта қатори ғалла экишга руҳсат берилиб, бу борада режа белгиланди. Дастребки йиллар 100 гектар майдоннинг 20 гектарига буғдой экиб, 25—30 центнердан ҳосил олган эдик. Йил сайнин ғалла майдонини ҳам, олинаётган ҳосил салмоғини ҳам ошириб бордик. Ҳозир еримизнинг ярмига буғдой, ярмига пахта экаяпмиз. Асосан уруғлик ғалла етиштирамиз. Бу яхшигина даромад келтираяпти. Қолаверса, режадан зиёд тайёрланган донни ижарабаларимиз билан бўлишиб оламиз. Йил — ўн икки ой даструрхонимиздан ўзимизнинг нонимиз узилмайди. Тўғрисини айтсам, собиқ шўро тузуми замонларида бундай дориломон кунлар келиши тушимизга ҳам кирмаган эди. Фақат пахта экиб, эртадан-кечгача эгат оралаб, ўзга эллардан келтириладиган нонга кўз тикканча, ҳаёт деганлари шу экан-да, деб юраверганмиз. Истиқлол бизнинг ҳам кўзимизни очди, қадр-қимматимизни жойига қўйди.

Сир эмас, 2000—2001 йилларда юз берган қурғоқчилик мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги соҳасини жиддий синовдан ўтказди. Ўша йилларда ёғингарчилик ниҳоятда кам бўлганлиги боис Қашқадарёдаги кўпгина лалми ғалла майдонлари бутунлай қовжираб қолди. Бундан



хўжаликлар, фермер, деҳқонлар катта заарп кўришди. Аксарият жойларда олинган ҳосил унга сарфланган харажат тугул, ерга сепилган уругликни ҳам қоплай олмади. Ўшанда Чироқчи туманидаги “Чиял” ширкат хўжалиги раҳбари Норбой Элмуродов шундай деб ҳасрат қилиб қолган эди:

— Шу кунларда дала айланишга ҳам юрагим бетламай қолди! Бўйи бир қаричгина бўлиб, бошоқ ёзишга ҳам ҳоли келмай қурий бошлаган майсаларни кўришга тоқат қилолмайман. Улар худди нажот кутиб жовдираётганга ўхшайди. Кўлингдан ҳеч нарса келмаслиги жуда-жуда алам қиласи кишига...

Ўша пайтларда бундай изтиробли туйгулар ҳар бир қашқадарёлик ғаллакор дилидан кечганлиги, шубҳасиз. Чунки сув танқислиги боис аксарият сугориладиган майдонлардан ҳам кутилган даражада ҳосил олинмаган эди. Охир-оқибатда 2000 йили вилоят бўйича 209 минг 341 гектар майдондан 307 минг тонна дон олинди. Ҳосилдорлик эса ўрта ҳисобда гектарига 14,7 центнердан тўғри келди. Асосан лалми ғалла экадиган Чироқчи туманида ушбу кўрсаткич 5,9 центнерга тўғри келган бўлса, Деҳқонобод туманида эса гектаридан атиги 1,7 центнердан ҳосил олинди, холос. Кейинги йили эса бу борада бироз бўлсада, ўнгланиш кўзга ташланди. Жумладан, 2001 йили 205 минг 845 гектар майдонда парваришланган ғалла экинларидан 357 минг 462 тонна



дон йиғишириб олинди. Ҳосилдорлик 17,4 центнерга күтарили. Бунга, биринчи навбатда деҳқонлару мутахассисларнинг олдинги йилдаги аччик тажрибалардан тегишли хulosа чиқариб, вақтида кўрган тадбирлари натижасида эришилди, дейиш мумкин. Зотан, табиатан иродаси мустаҳкам, матонатли ўзбек деҳқони ҳар қандай мушкул дамларда ҳам чора топа олади.

2002 йил ниҳоятда баракали келди. Ушбу мавсумда вилоят бўйича 234 минг 951 гектарга лалми ва сувли дон экилган эди. Об-ҳавонинг қулай келганлиги, қолаверса, ерга белгиланган миқдорда, сара уруф қадалганлиги ҳамда барча агротехник тадбирлар ўз вақтида, сифатли амалга оширилганлиги туфайли далаларда ҳар қачонгидан мўл фалла ҳосили етиширилди.


Ўрим-йигим бошлангач, арпа-буғдой омборларга сифмай қолди. Шу йили оз эмас-кўп эмас, нақ 730 минг 894 тонна фалла етиширилди. Ҳосилдорлик вилоят бўйича ўртача 31,1 центнерга күтарили. Қарши, Косон, Касби каби чўл туманларида бу рақам 41-44 центнерни ташкил этди. Вилоят фаллачилик соҳасида қанчалик улкан салоҳиятга эга эканлиги шу тариқа яна бир бор яққол намоён бўлди.

Тажрибали деҳқон ва мутахассисларнинг ишонч билан таъкидлашларича, юқоридаги рақам ҳали чегара эмас. Бу йил вилоят далаларида бултургидан ҳам мўл ҳосил етиширилалаяпти. Бундан кўринадики, келажакда янада юксак марра-



ларни забт этиш мумкин. Кўпни кўрган деҳқонлардан бири: “Бизнинг шароитда ҳам гектаридан юз центнердан ошириб ҳосил олса бўлади. Фақат бунинг учун омилкорлик билан иш юритиш керак”, деган эди. Жиддийроқ ўйлаб кўрилса, бунга ҳам етарли имкониятлар мавжуд эканлигига ишонч ҳосил қилиш мумкин. Ҳарқалай, вилоят фаллакорлари қўнгилларининг бир четида ана шундай эзгу ният ҳам йўқ эмас. Довон ошган — чўққини қўзлар, дея бежиз айтилмаган.

Қашқадарёда фалла етиштириш ҳажмининг ошиб бориши ўз навбатида, вилоятда донни қайта ишлаш саноати ривожига ҳам туртки бўлди. Чунки халқимизга ўзимизда тайёрланган сифатли ун ва ун маҳсулотлари етказиб бериш учун, аввало, мавжуд корхоналарни илфор технологиялар асосида қайта жиҳозлаш талаб этиларди. Шу боис кейинги йилларда вилоятдаги Яккабоғ дон маҳсулотлари масъулияти чекланган жамият бутунлай қайта таъмирланиб, у ерга Германияда ишлаб чиқарилган энг замонавий ускуналар ўрнатилди. Ҳозир бу ердаги 2 та нон ишлаб чиқариш цехларида сифатли нон маҳсулотлари тайёрланаяпти. Шаҳрисабзда эса туркиялик ишбилармонлар билан ҳамкорликда кунига 150 тонна ун ва ун маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган “Шаҳри Кеш” кўшма корхонаси фойдаланишга топширилди. Бу ердаги иссиқ нон цехи Германиядан келтирилган “Винклер” ускуналари билан жиҳозланган. “Карши нон” саноат ишлаб чиқариш



очиқ ҳиссадорлик жамияти цехида эса ҳар куни 3 тоннагача юқори сифатли нон маҳсулотлари тайёрланиб, шаҳарликлар дастурхонига етказиб берилаяпти. Бундан ташқари, “Дунё-М” очиқ

*Ер — хазина, сув —
гавхар.*

Ўзбек халк маколи

хиссадорлик жамияти Қарши шаҳар дехқон бозори худудида нон ҳамда қандолат маҳсулотлари тайёрлайдиган икки қаватли йирик мажмуани ишга ту-

ширди. Бу ердаги лизинг асосида хориждан олиб келинган макарон цехида соатига 150 килограмм макарон маҳсулотлари ишлаб чиқариш мумкин.

— Ҳозир тасаррүфимиздаги мавжуд корхоналарда 6 та уруғлик донни саралаш цехлари фаолият күрсатаяпти, — дейди Қашқадарё вилояти дон маҳсулотлари уюшмаси раҳбари Номоз Рашидов. — 2002 йили уларда 60 минг тонна уруғлик тайёрланди. Натижада бултур вилоят юз фоиз уруғлик дон билан таъминланиб, бошқа вилоятларга ҳам 12 минг тонна уруғлик етказиб берилди. Бу йилги ўрим-йиғим мавсумида эса корхоналаримиз дәхқонлардан 364 минг 700 тонна дон қабул қилиб олиши лозим. Айни пайтда барча тайёргарлик ишлари кўриб қўйилган. Шунингдек, 2004 йилда “Дунё-М” корхонасини тўлиқ капитал таъмирдан чиқариш ва замонавий ускуналар билан жиҳозлаш ҳам режалаштирилган.

Биз бу ўринда Қашқадарё вилоятидаги донни
қайта ишлаш саноати тизимида амалга ошири-



лаётган ва келгусида қилиниши режалаштирилган ишларнинг айримлари хусусидагина тўхталиб ўтдик. Бироқ ана шу далилларнинг ўзиёқ вилоятда ушбу тармоқнинг истиқболи порлоқ эканлигини кўрсатиб турибди.

Кейинги вақтларда Қашқадарё вилоятида бошқоли дон экинлари селекциясига жиддий эътибор берилаяпти. Зотан, Президентимиз ҳам “Қашқадарё фаллакорлари уруғчилик соҳасида ўз йўлларини топиб олмоқлари, тупроқ-икълим шароитига мос, тезпишар, ҳосилдор навлар уруғлигини етиштиришни йўлга қўйишлари лозим”, дея алоҳида таъкидлаган эди. Чиндан ҳам, вилоятда ана шундай буғдой навларини яратиш ва зудлик билан ишлаб чиқаришга татбиқ этишни ҳаётнинг ўзи тақозо қиласайти.

Маълумки, фалла ҳосилдорлигини оширишда уруғлик тизимини яхши ташкил қилиш, юқори самарали навларнинг бирламчи, суперэлита, элита ва оммавий уруғчилигини тўғри йўлга қўйиш, навдор, сифатли ҳамда сараланган уруғлик экишнинг аҳамияти катта. Буларнинг натижасида ҳосилдорликни гектарига 25-30 фоиз ошириш мумкинлиги илмий тадқиқотлар жараёни ва амалиётда ўз исботини топган.

Бугунги кунда “Қашқадарёсауруф” уруғчилик ассоциацияси ўз таркибида 43 та хўжаликларни бирлаштирган. Сўнгги вақтларда уларда бошқоли дон экинлари уруғчилик тизимини та-комиллаштириш ва йўлга қўйиш юзасидан сези-



ларли ишлар амалга ошириләяпти. Ҳозир вилоят фаллакорлари маҳаллий тупроқ-икәлим шароитига, қурғоқчиликка, иссиққа, касаллик ва зарар-кунандаларга чидамли, эртапишар, серхосил, юқори сифатли дон берадиган навлар уругини әкишга ҳаракат қилишәяпти. Шунинг ҳисобига ҳосилдорликни сугориладиган майдонларда 45—50, лалми ерларда эса 10—15 центнергә етказиши мүмкін. Шу мақсадда вилоятда фаолият күрсатыётган илмий-тадқиқот муассасалари ҳамда хўжаликларнинг уруғлик дон тайёрлаш борасидаги имкониятлари ўрганиб чиқилди. 2002 йил ҳосили учун маҳаллий тупроқ-икәлим шароитларига мос бошоқли дон экинларининг маҳаллий уругларини кўпайтириш ва жамғариш миқдори белгилаб олинди.

“Қашқадарёсарауруғ” ассоциацияси таркиби-га кирувчи хўжаликлардаги бошоқли дон экинларини олимлар ва малакали мутахассислар жалб этилган ҳолда, илмий тавсияларга асосан парваришилаш йўлга қўйилган. Бунинг самараси ўлароқ, 2001 йилда юз берган қурғоқчиликка қарамасдан, Шаҳрисабз туманидаги Болта Фозилов номли ширкат хўжалигига ҳар гектардан 65 центнердан, Китоб туманидаги “Навбаҳор”, Охунбобоев номли, Каромат Рустамова номли ширкат хўжаликларида эса 50 центнердан ошириб юқори сифатли дон ҳосили олишга эришилди. Баъзи ижарачилар эса мислсиз натижаларни кўлга киритиб, Қашқадарё вилоятининг оғир тупроқ-икәлим ша-



роитида ҳам юқори ҳосил олиш мумкинлигини исботладилар. Китоб туманилик ижарачи Фахриддин Жалиловнинг ҳар гектардан 95 центнердан, Бўрон Шоназаровнинг 86 центнердан, шаҳрисабзлик Усмон Бобоев ва Азамат Хўжаёровларнинг эса гектаридан 80 центнердан ошириб буғдой этиштирганлари фикримиз далилидир.

Юртбошимиз 2001 йили 9 июнда Қашқадарёда бўлганида деҳқонлар билан суҳбатлашиб, вилоятда фалла уруғчилигини ривожлантиришнинг амалий аҳамияти ҳақида ҳам батафсил тўхталди. Махаллий шароитларга монанд, сифатли ва юқори ҳосил берадиган буғдой навларини танлаш ҳамда қўпайтириш ҳақида қимматли маслаҳатлар, кўрсатмалар берди. Шулардан келиб чиқиб, Қашқадарё вилоятида 2001—2004 йилларда бошоқли дон экинлари уруғчилигини ривожлантириш бўйича маҳсус тадбирлар ишлаб чиқилган.

Вилоят тупроқ ва иқлим шароитларининг хилма-хиллиги ҳар бир ҳудуд учун алоҳида нав синиш тажриба майдонлари ташкил этишни тақозо қиласди. Шу боис бу ерда тоғли (ёғин миқдори 600 мм.дан юқори), тоғ олди (400 мм.) ва чўл (150—250 мм.) ҳудудлари бўйича учта тажриба майдони ташкил этилиб, тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

Шунингдек, фалла уруғчилигини ривожлантириш мақсадида халқаро илмий марказлар билан ҳамкорликда вилоятга замонавий дон саралаш-



тозалаш техникалари олиб келинаётир. Хусусан, Германиянинг GTX жамияти иштирокида Ко-сон туманидаги “Гулбоғ” ширкат хўжалигида “Қашқадарёдонистиқболи” уруғчилик илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси ташкил этилди. Бундан қўзланган мақсад махсус ишланган концепцияга асосланган ҳолда маҳаллий шароитга мос фалла навларининг суперэлита ва элита уруғларини етишириб, уруғчилик хўжаликларига етказиб беришдан иборат. Шунингдек, ИКАРДО, СИММИТ каби бир қатор ҳалқаро ташкилотлар, хорижлик фаллашунос олим ва селекционерлар билан йўлга қўйилган алоқалар ҳам келажакда яхши самаралар бериши, шубҳасиз.

Фаллачилик илмий-тадқиқот институтининг Касби шохобчаси, Косон ва Қамаши бўлимларида буғдойнинг маҳаллий шароитга мос бўлган “Санзар-6”, “Санзар-8”, “Ёнбош”, “Маржон”, арпанинг “Мавлоно”, “Хонақоҳ”, “Темур” каби қургоқчиликка чидамли, эртапишар навлари, Шаҳрисабз бўлимида эса интенсив типдаги юқори ҳосил берувчи “Уманка”, “Купава”, “Половчанка”, “Крошка” навларини етишириш йўлга қўйилмоқда. 2003 йил мавсумида вилоят бўйича 28 хил уруғлик навлар экилган. Албатта, бу ҳол дехқону мутахассислардан катта масъулият талаб қиласи. Келажакда улар орасидан энг истиқболли, ҳосилдорлари танлаб олиниши табиий. Ўз навбатида, истиқболи порлоқ ҳисобланган қаттиқ буғдой навлари парваришига ҳам



жиддий эътибор бериш зарур. Чунки саноатбоп ҳисобланган бундай буғдой навларидан юқори сифатли нон ва қандолат маҳсулотлари тайёрлаш имкони мавжуд.

Қаттиқ буғдойнинг маҳаллий навлари ҳам эътибордан четда қолдирилмайди. Умуман, вилюятда ҳар бир худуднинг тупроқ-икклим шароитига мос серҳосил фалла навларини яратиш борасида олиб борилаётган ишлар яқин келажақда самара бериши, шубҳасиз.

Faфур ШЕРМУҲАММАД





Ислом КАРИМОВ:

Ёдингизда бўлса, мустақиллигимизнинг биринчи йилларида мамлакатимиз аҳолисини дон маҳсулотлари билан таъминлаш, одамларга оддий нон етказиб бериш катта муаммога айланган эди.

Энди очиқ айтаверсак бўлади, ўша оғир кунларда очарчилик хавфи ҳам йўқ эмас эди. Бунга йўл қўймаслик учун қандай чора-тадбирлар кўрганимизни, қаерлардан фалла олиб келганимизни, бу йўлда тортган машаққатларимизни билган билади, билмаган билмайди.

Шундай ўта мураккаб, хавфли вазиятни чуқур анлаган ҳолда, сиёсий мустақилликни иқтисодий мустақиллик билан мустаҳкамлаш, бирорвга қарам бўлмаслик мақсадида биз фалла мустақиллигига эришишни энг устувор вазифа қилиб кўйдик. Бу масалани, бу муаммони ечиш биз учун ҳақиқатан ҳам ҳаёт-мамотимизни ҳал қилувчи даражага кўтарилиди.

Яратганга минг бор шукурки, ўз донимизга, ўз беминнат нонимизга эга бўлган шу кунларга ҳам етиб келдик. Бундай ўта масъулиятли вазифани бажаришда Андикон вилояти меҳнаткашларининг салмоқли ҳиссаси борлигини бугун барчамиз катта мамнунийт ва миннатдорчилик билан қайд этамиз.

*Андижон вилояти сайловчилари
вакиллари билан учрашуведа
сўзланган нутқдан
1999 йил 17 декабрь*



МАЪРУФЖОН ФЕРМЕР

Балиқчи туманидаги “Шераличек” ширкат хўжалигида “Олимжон ҳожи ота” фермер хўжалиги бор. Унга андижонлик омилкор дехқон Маъруфжон Насриддинов раислик қиласди.

— Етти пуштимиз дехқон ўтган,— дейди Маъруфжон, — падари бузрукворимизнинг касблари бўғолтерлик бўлса-да, ишдан кела солиб, жомакор кийиб, боқقا ўтиб кетарди. Эрталаблари ишга кетгунча ва ишдан қайтгач томорқада терлаб-пишиб кетмон чопарди. Биз ўғилларига, каттароқ кетмонни кўтаролмасак, кичик, енгилроғини ясатиб берарди. Ёнларига олиб ўргатарди. Кетмон тутишимизни, жўяқ олишимизни зимдан кузатиб, ёқса “ҳа, дуруст” деб қўярди.

Куш уясида кўрганини қиласди, деганларидек, педагогика институтининг тарих-география факультетини тамомлаб, мактабда ишласам ҳам ҳаётимнинг бир қисми ер билан, дехқончилик билан боғланиб қолди. Томорқада рўзгорга керакли нарсаларни етиштириш билан бирга, хўжаликдан ер олиб, дехқончилик қилиб юрдим. Гапнинг сирасини айтганда, дехқончиликнинг баракаси бошқа, гашти бўлак.



Ўзимнинг ерим бўлса, хуморидан чиқиб ишласам, деб кўпдан ният қиласдим. Қаранг, худо нијатимга етказди. 1997 йили озроқ ер олиб фермер хўжалиги ташкил қиласдим. Яширмайман, ўша йили қийналдик. Йўқ, техника, ўғит, ёнилғи масаласида муаммо бўлмади, тажриба етишмади. Шундай бўлса-да, режамизни бажардик. Лекин ишимиздан унчалик қониқмадик. Ўша йил ўзим учун ҳам, мўъжазгина жамоамиз учун ҳам ер билан тиллашиш, ишнинг рафти-омадини олиш йили бўлди.

1998 йил ҳисобига эрта кузда тўлиқ буғдой экдик. Краснодардан келтирилган “Купава” нави. Худо бериб, бир буғдой бўлди.

Ўша йили ўрим арафасида, аникроғи, 18 июнь куни Маъруфжон ҳаётида бир умр ўчмас таассурот қолдирган воқеа рўй берди. Фермер даласига Президентимиз ташриф буюрди.

Давлатимиз раҳбари Маъруфжон билан қадрдонлардек қўл олишди. Ҳол-аҳвол сўради. Президентнинг ёруғ чехраси, сўзларидаги ажиб са-мимиият, қадрдонларча муносабат Маъруфжон ҳаяжонини босиб олишига кифоя қиласди.

Президент уни ёнига олиб, ҳамроҳлари билан буғдойзорга кирди. Битта бошоқни олиб санааб кўришди. Роса 64 дона дон чиқди.

Ислом Каримов мамнун жилмайди.

— Бемалол 90 центнер ҳосил олиш мумкин, отангизга раҳмат, ука! — деди Президент. — Қандай қилиб шунча ҳосил тўплашга эришдингиз? Қани, бундай гапиринг-чи?



— “Купава” қора тупроқли, серёғин заминда яратилган,— деди Маъруфжон,— шунинг учун тез-тез сугориб турдик. Ҳосил пишгунча саккиз марта сув ичди. Ҳатто 18 май куниям сув очганимиз.

Маъруфжон шу тариқа эрта куздан бери амалга оширилган агротехник тадбирлар ҳақида бирмабир гапириб берди. Президент қилинган харажатлар, даромад, рентабеллик, иш юритиш усуллари билан қизиқди. Маъруфжон бир томони ўқитувчи эмасми, Юртбошимиз саволларига аниқ-тиник, бурро-бурро жавоб қайтарди. Унинг гапи орасида “ички фермер” дегани Президентни айниқса, қизиқтириб қўйди.

— Бу нима дегани? — деди Президент.

— Банқда ўз ҳисоб рақамимиз бор, ҳамма ҳисобкитоб ишлари ўзимизда-ю, фақат маҳсулотни жамоа хўжалиги орқали сотамиз. Хўжалик шартнома асосида техника, ўғит етказиб беради. Давлатга сотилган маҳсулотимизнинг пули ҳам хўжаликка келиб тушади, кейин... Қилинган харажатларни ушлаб қолиб, бизга ўтказиб беришади.

Президентимиз бироз ўйланиб қолди. Кейин хўжалик раҳбарига юzlаниб, “Буларнинг пулини беряпсизми?”, деб сўради. Раисдан қониқарли жавоб олгач:

— Фермер тўлақонли мустақил хўжалик бўлиши керак,— деди Юртбошимиз ён-атрофдагиларга қараб,— у хизмат кўрсатувчи ташкилотлар топширган ҳосилининг ҳақи ҳам банкдаги ҳисоб



рақамига ҳеч бир воситачисиз тўғридан-тўғри келиб тушиши керак.

Президент хайрлашиш олдидан:

— Маъруфжон, мендан нима истайсиз? Қандай ёрдам керак? — деб сўради.

— Энг аввало, саломатлигингиз керак,— деди Маъруфжон дилидагини тилига қўчириб,— юртимиз тинчлигига бош-қош бўлиб турсангиз бўлди!

— Бир-икки қундан кейин далангизда республика фаллакорларининг кўргазмали семинарини ўтказамиз,— деди Ислом Каримов. — Мамлакат бўйича соҳа мутасаддилари, олим-мутахассислар келиб ишингизни ўрганишади. Ота-онангизга биздан дуо денг. Саломат бўлинг!

— Раҳмат, Ислом Абдуғаниевич! — дея олди Маъруфжон ҳаяжонини зўрға босиб.

* * *

— Ўшандан бери ишим юришиб кетди,— деди Маъруфжон. — Юртбошимизнинг самимият тўла нигоҳлари кўз олдимдан кетмайди. Шундан бери келажакни кўра оладиган Юртбошимизга муносиб бўлиш, у киши ишончини оқлаш ҳақида ўйлайман.

Мезбон билан дала айландик.

— Ўтган йили ҳар гектар буғдойзордан 90 центнердан ҳосил олдик. Пахтани ҳам қўшганда соф даромадимиз салкам 3 миллион сўмни, рентабел-



лик 34 фоизни ташкил этди. Бу кўпми ёки оз? Тўғри, бошқаларга солиширганда натижаларимиз ёмон эмас. Аммо ўз техникамиз бўлганда даромадимиз бундан-да яхши бўларди. Ўйланг, 10 сотих ери бор одам икки йилда машина олади-ю, нега энди 10 гектар ери бор одам битта техника ололмаслиги керак? Мана энди олиш имкони пайдо бўлди. Президентимизнинг “Қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни чукурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари тўғрисида”ги Фармонини ўқиб, кўксим тоғдек кўтарилиди. Ер эгаларига, қишлоқ мулқдорларига тўла эркинлик берилди. Шартномаларни тегишли ташкилотлар билан тўғридан-тўғри тузиб, ўзимиз топган маблагни хоҳлаганимизча тасарруф этадиган бўлдик. Ишлайман деган одамга яна нима керак? Аъзоларимиз билан маслаҳатлашиб, худо хоҳласа, бу йил якуни билан лизингга битта трактор оламиз, деб турибмиз. Бу демак ишимиз янада юришади. Нима десангиз денг, 90—100 центнер бу — фаллачиликда сўнгги марра эмас. Яқинда хорижлик бир фермер ҳақида ўқиб қолдим. Фалладан 120 центнернинг нарисида ҳосил оларкан. Ўша юз центнерни берган ер, ундан ортигронини ҳам беради. Бунинг учун янада изланиб, янгиликка интилиб, ишлашимиз керак. Она еримизнинг қадрига етиб, авайлаб, эъзозлашимиз керак.

Биз 50-йилларда туғилган авлод, қийинчилик кўрмай ўсдик. Замондан нолиб, ёзғириб юрувчилар илгаријам бўлган, ҳозир ҳам бор. Мен та-



рих муаллими бўлганим, бадиий адабиётни кўп ўқиганим учун айта оламан. Ҳақиқий қийинчилик илгари бўлган. Ота-боболаримиз не-не азоб-уқубатларни кўришган. Тўғри, ҳозир ўтиш даври. Баъзи бир етишмовчиликлар бўлса бордир. Буни тўғри тушуниш керак. Ҳаётимиз кун сайин, соат сайин яхшиланаяпти. Айниқса, Мустақилликнинг ўн икки йили ичida асрга татигулик ишлар бўлди. Ўзбекистонимизни дунё таниди. Биз дунёни танияпмиз.

— Ҳозир ҳам дарсингиз борми, мактабга бориб турасизми? — дея сўрайман.

— Албатта,— дейди ҳамсуҳбатим,— ўқиган давримни ҳам қўшиб ҳисоблаганда қирқ йил умрим шу Абдулла Қаҳҳор номидаги мактабда ўтди. Ҳафтасига тўрт соат дарсим бор. Ўқувчиларга ҳуқуқдан, Конституциядан сабоқ бераман.

Эртага ўримни бошлаймиз, деб туришган куни Маъруфжоннинг даласини яна меҳмон босди. Булар Тошкентдан, республикамиз вилоятларидан келган соҳа мутасаддилари, олимлар, фалла уругчилиги мутахассислари эди. Улар эринмай буғдойзорни оралаб кўришди. Пайкал қирғоғидан, ўртасидан, яна кўзлари тушган ҳар-ҳар жойдан бошоқ олиб санаб кўришди. Ҳамма бошоқдан 60-62 тадан дон чиқди. Ораларида иқтисодчилар ҳам бор экан, бирпасда чўнтакларидан калькуляторларини олиб ҳисоблаб чиқишиди. Бир-бирларига ҳайратланиб, мамнун қарашди.



— Ерингизнинг ҳамма жойида, ҳатто пайкал четлари, дараҳт осталарида ҳам бирдек ҳосил етиштирганингиз бизни кўпроқ қизиқтиради,— деди ўрта ёшли бир киши,— ўзим анча йиллардан бери ғаллачилик билан шуғулланаман, мамлакатимизнинг жуда кўп вилоятларида бўламан, лекин бунақасини кўрмаганман. Бунинг сири нимада?

Маъруфжон кулди.

— Бунинг ҳеч қандай сири йўқ,— деди у.— Ҳар бир агротехник тадбирни ўз вақтида бажариш лозим. Ишонсангиз, ўтган йили автогрейдер билан ерни эринмай текислатганмиз. Ҳосилнинг барча жойда бир хиллигини асосий сабаби шу. Кейин, биринчи сугоришда иш катта. Буғдойзорни илк сугоришда қаерни сув босса, ўша ерда кўчат кам бўлади, ҳосилиям шунга яраша бўлади. Шошмаймиз, майли 5 кун кетар, 6 кун кетар, кўз ёши қилиб қондириб сугорамиз, сувни нами бир метр, ярим метр олдинда юради. Дўппидек ерни ҳам сувга бостирамаймиз.

Биринчи омил шу.

Октябрнинг ўн бешларида галлани бир текис ундириб олган бўлсак, ноябрга бориб ялама дори бериб, яна бир марта сугордик. Учинчи ўғитда энди ғалла анчайин бўй тортиб қолади, пайкарга трактор киролмайди. Биз ўғитни қўлда солиб чиқамиз. Ерни ҳамма жойи бир хил кўрингани билан тупроқ қатлами ҳар хил. Ғалла ҳамма жойдаям бир текис ўсмайди. Пастроқ жойларига алоҳида ўғит соламиз. Пайкал тепасидаги шарбат



ўрасини кўриб турибсизлар, эрта баҳордан бошлаб то ҳосил пишгунча ҳар бир сувни шарбат ўралари орқали оқизамиз.

Арпа-буғдой ош экан, олтин-кумуш тош экан.

Ўзбек халқ мақоли

Мана шулар боис бегона ўт йўқ. Буғдойзорни худди пиёз ўтагандек, шоли ўтагандек ўтаймиз. Фалла озифига бирор кун ҳам бегона ўтни шерик қилмаймиз. Яна бир нозик

томони уруғнинг хусусиятларига эътибор бериш керак. Баъзи ҳамкасларимизда “ота-боболаримиз эккан буғдой-да, икки, нари борса учта сув билан пишади-да”, деган қарааш бор. Бу мутлақо нотўғри. Ҳозирча уруғларнинг ҳаммаси Краснодардан олиб келингти. У ёқлар ўзларингиз биласиз, сернам, серёмфир. У жойнинг тупроғи билан бизники орасида ҳам катта фарқ бор. Шунинг учун бу навларни тез-тез суғориб туриш керак. Масалан, мана шу ерлар шу ҳолга келгунча саккиз марта сув ичган.

Кейин... эрта экишда гап кўп. Буғдой қанча эрта экилса, шунча яхши. Бизнинг вилоятда эртаги пахта етиштириш ҳисобига фаллани очиқ майдонларга ўз муддатида экишга тўла имконият яратилган. Эрта экилган буғдой кўп туплайди, ер багирлаб ажрикдек ўсиб, товоқдай бўлиб чиқади.

— Бир туп буғдой қанчагача туплаши мумкин? — дея меҳмонлардан кимдир сўраб қолди.



— 18-20 тупгача туплайди. Энди ҳисобланг, ҳар бир бошоқда 60-65 тадан дон бўлса, бир гектар майдон қанча ҳосил беради?! Бемалол саксон-тўқсоннинг тепасида беради, шундай эмасми? Яна бир жиҳати, кўп тупласа буғдой жа ўсиб кетмайди, калта бўғин, бақувват бўлиб ўсади. Шамолга чидамли бўлади, ётиб қолмайди.

Ургуни заводдан келган, тоза, ишончли деб доғда қолмаслик керак. Печак деганининг уруғи буғдойдан катта. Минг тозаламасин, иложсиз тўрдан ўтмай қолиб кетади. Шунинг учунам биз уруғликни экиш олдидан яна бир кўздан ўтказамиз. Тегирмонни шаббодасига қўйиб, тозалаб оламиз.

Хоҳланг-хоҳламанг, экилаётган пуштанинг ораси бир қарич, ярим қарич кўмилмай очиқ қолади. Кузда ёпирилиб келадиган ола ҳакка, қора ҳаккаларга худо беради. Биз ҳамма қаторга бешилик тортиб чиқамиз. Тангадек жой ҳам кўмилмай қолмайди. Буғдойни ортиқча қалиниям бўлмайди, якка бошоқ бўлиб, фози йўқолади. Ҳазилакам елпиндигаям ётиб қолади. Қалин жойларни кузни ўзида ягана қилиб, сийракроқ жойларга кўчат ўтказамиз. Шу йўл билан ҳар квадрат метрда 460—500 дона бошоқ бўлишига эришамиз.

— Ҳисоб-китобга ҳам қаттиқ экансиз, Маъруфжон,— ҳазиломуз гап қотди меҳмонлардан бири.



...Кўргазмали семинар қатнашчилари Маъруфжоннинг даласидан олам-олам таассуротлар билан қайтиши.

* * *

— Сиз учун энг қимматли нарса нима? — дея сўрадик қаҳрамонимиздан.

— Орият, масъулият,— дейди Маъруфжон. — Менга бирор ишоняптими, майли, вақтимни кетказай, умримни ўтказай, лекин шу ишончни оқлашим керак. Даламга Президент келди. Республикализнинг турли бурчидан олим-мутахассислар келди. Ўйлайман-да, мамлакатда менга ўхшаган дехқон йўқми, кўп, сон-саноги йўқ. Ислом аканинг ташрифлари, дилдан қурган суҳбатлари, бирга суратга тушишлари — бу менга, оиласма Аллоҳнинг марҳамати. Бу ҳажга бориб келган отам билан онамнинг дуолари ижобати.

Демоқчиманки, Мустақиллик — буюк неъмат. Ана шу Истиқлол туфайли, муҳтарам Президентимизнинг фидокорликлари туфайли дин, виждон эркинлиги жойига қўйилди. Маккаи Мукаррама бир қадам бўлиб қолди. Имом ал-Бухорий, Амир Темур, Аҳмад Фарғоний, ал-Марғиноний, Имом ат-Термизий, Имом Мотуридий каби ўнлаб улуг аждодларимизнинг муборак номлари тикланди. Улар шарафига бир-биридан гўзал, муҳташам ёдгорликлар бунёд бўлди.

Мана, яқинда бўлиб ўтган Олий Мажлис сесиясида Президентимиз яна бир улуг хайрли та-



шаббус билан чиқдилар. Хоки пойлари Афғон диёрида қолиб кетган Мир Алишер Навоий, Абу Райҳон Беруний каби буюк бобокалонларимизнинг йиллар силсиласида вайрон бўлган мақбараларини тиклашни таклиф қилдилар. Менинг назаримда, шундай Президенти бор юрт — баҳтили юрт!

Маъруфжон билан дала бошида хайрлашдик.

*Ортиқали НОМОЗОВ,
Ўзбекистонда хизмат
курсатган журналист.*





ТАНДИР ТҮЛИБ ЁПИЛДИ НОН...

“Хонтахтам устида бошоқлари олтин ранг бир тутам буғдой турибди, — деб ҳикоя қилганди ўтган йили Наманганда бўлганимда Норин туманидаги “Тошкент” ширкат хўжалиги пудратчиси Тўлқинбой Курбонов. — Шу йилги ҳосилдан. Не умид, не мاشаққатлар билан етиштирилган, не-не беором кунлар, уйқусиз тунлар эвазига келган ҳосилдан. Бугун хирмонга охирги бункерни тўкиб қайтдим. Бу — тутамгинаси...

“Кейс” сўнгти пайкалга “ўрок” солганда ана шу бир тутам бошоқни эсадлик учун олиб келдим. Хонтахтам устига қўйдим-у, овқатланиб ўтириб, хаёлга толиб кетдим: бу қандай экин эканки, унинг бўлиқ бошоқларида қандай сир, сехр бор эканки, етти яшардан етмиш яшаргача бўлган бутун инсониятни ўзига ром этган...”

Тўлқинбойнинг бу ҳикояси мени ҳам олис-олис хотираларга бошлади.

— Чамаси уч ёшдан ошиб, тўрт ёшга қадам қўйган пайтларим бўлса керак, — деб сўзлаб берувди Самарқанд вилоятининг Иштихон туманида истиқомат қилувчи, нафақахўр ўқитувчи



Нормамат Саъдуллаев, — Отам пода — чегана боқарди. Бир куни икки кўзи буғдойга тўла хуржунини эшакдан тушириб, супа устига қўтариб чиқаркан: мана, улим, ғалла олиб келдим, — деди. Мен югуриб бориб хуржунни қарадим ва (“ғалла” сўзи ўшанда менга ҳали нотаниш экан), “бувдой-ку” дедим. Отам кулди: “бувдойни ғалла дейди-да, қўзичоқ”, деб кокилимни силади ва кетидан “ғалласи бор уйнинг — алласи ҳам бор, болам”, деб қўшиб қўйди. Мен яна хуржунга қарадим: “ҳе, алла бувдойнинг ичидами? “Алла-алла”ни бешикда чақалоққа айтади” деганим ҳали-ҳали эсимда. Отам ўшанда яна кулиб қўйдилар ва “Майли, бор, ўйна, маънисини кейин айтарман” дедилар...”

Ҳозир ана шу воқеани ҳам ўйлаб туриб, хаёлимда “нон” деган буюк бир тушунча яна қайта жонланди: Нон — Нон-да! Таърифи улуғ. Чиндан ҳам Оллоҳнинг бизга берган буюк неъмати.

Бундан беш-олти йил олдин бир қария айтганди:

— 30-йилларда болалар уйида тарбияландим. Замон жуда оғир, очлик, қашшоқлик хукмрон эди. Ҳамма бирдек юпун яшарди. Ҳар бир жон кунлик нон меъёр — “поёг”ига қараб қолганди. Болалар ўртасида энг заифи, ориғи мен эдим. Ҳар сафар тонг билан уйғониб, ёстиғим остида бир бурда нонга қўзим тушарди.



Аввалига ҳайрон бўлиб, “тарбиячилар раҳми келиб, қўйиб кетаётган бўлса керак” — деб юрдим. Аммо, кейинчалик билдимки, болалар навбати билан менга ўз ҳақлари — ризқини қийиб, бир бурда-бир бурдадан қўйиб юришаркан.

Қаранг, ўша одам ўзининг бу ҳикояси билан бизга номини ҳамиша бош ҳарф билан ёсса арзигулик, Ноннинг қадрини, буюклигини айтмоқчи бўлган экан. Дарвоқе, у — ҳаёт! У — тириклик! У — жон! У — қисмат ва тақдир!

Мамлакатимиз Мустақиллигининг ilk кезларини, аниқроғи, 1991 йилнинг охири ва 1992 йилнинг бошида республикамизда кўп нарсаларда узилиш бўлган пайтларни эсланг... Унгача, 74 йил ўзбек ҳалқи, Ўзбекистон тақдири собиқ иттифоқ қўлида бўлди. Москва маҳсулотимизни ҳам, хомашёмизни ҳам ботмон-ботмонлаб олиб кетди. Ҳолбуки, уларнинг ҳаммаси ўзимизга сув билан ҳаводек зарур эди. Канададан, Америкадан ҳар йили миллион-миллион тонна ғалла сотиб олиб, бизга садақа қилгандай муайян миқдоринигина берарди... Иттифоқ парчаланиб кетгач, қийин аҳволда қолдик. Иқтисодчиларимиз йиллик эҳтиёжимизни ҳисоблаб чиқиб, 5 миллион тонна ғалла кераклигини айтишди. Лекин, олдимизда уни қаердан, қайси маблагга, қанчага олиб келиш муаммоси турарди. Эндиғина мус-



тақил бўлган пайтимиз, валюта қаерда эди? Ким ҳам берарди?

Президентимиз Ислом Каримов XII чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг X сессиясида (1992 йил, июль) шундай деган эди: “...жуда оғир аҳволга тушиб, нақд очарчилик ос-тонасида турибмиз... Халқимизни, иқтисодиёти-мизни таъминлаш масаласида жуда катта хавф туғилди...”

Бу гаплар ортида катта муаммо, ташвиш, ва-зифа ётарди.

Ўша кездаги статистика маълумотига кўра, аҳолиси йигирма бир миллион нафар катта бир халқни боқиш осон иш эмасди, албатта. Хусу-сан, валюта топиш — муаммолар муаммоси эди. Юртбошимиз ўша сессияда қилган маърузасида образли қилиб, “дунёга келган чақалоқ аввал эмаклаб, кейин тетапоя бўлади. Вазият шундай келдики, мустақил Ўзбекистон туғилган куниёқ оёққа туришга, ўзи юришга мажбур бўлди” дега-ни ҳам ёдимда.

Ўша даврдаги аҳволни тўлароқ кўз ўнгимга келтириш ва яна бир бор ҳис этиш учун газета тахламларини варақладим. Кўп-кўп воқеа-ҳоди-салар хотирамда тикланди. Ўша сессияда Ислом Каримовнинг халқ ноибларига қараб айтган мана бу сўзларини ўқийман: “Хорижий дунё бозори билан, дунё банклари билан, тижоратчи фирмалари



билан алоқа боғладик. Бу жуда нозик масала. Қайси давлат бизга қанча ва қандай шарт билан сармоя ва қарз беради? Қарз берган давлатларнинг сиёсий шартлари бўлмайдими? Бирордан қарз олиб, кейин унинг илмоғига тушиб қолмаймизми? Улар бизга тазиик ўтказмайдими? Олган қарз — кредитларимиз бўйнимизда оғир юк бўлиб кетмайдими?

... Қарз олиш осон, бу ҳаммамизга маълум. Лекин уни бир кун келиб тўлаш ҳам керак. Биз фаттина бугунги кунни эмас, балки эртамизни, келажак авлодларни ҳам ўйлашимиз керак. Бугун биз хато қилиб қўйсак, фарзандларимиз келажакда қоқилиб қолишини ҳисобга олмасак, бу — катта гуноҳ бўлади... Биз айрим давлатларга ўхшаб садақага қўл чўзиб турганимиз йўқ...”

Одамда — ҳам мулоҳаза, ҳам фуур үйғотадиган сўзлар бу! Чиндан ҳам ўшандан иқтисодий танглик исканжасида эдик. Бундай тангликада низо чиқариш ҳам жуда осон эди. Бўлдиям. Фарфона, Бўка, Паркент... Гугурт чақилса бас, хўлу қуруқ баравар ёниб кетиши мумкин бўлган давр эди. Биласиз, жойларда фуқаролар тўқнашуви содир бўлиб, одамлар нобуд бўлди, қон тўкилди. Халқ хўжалиги юз миллиардлаб сўм зарар кўрди, мол-ҳол қаровсиз қолди, далаларга экин экилмади, дўл, сел, зилзила... Дўконларда пештахталар бўш... Халқнинг тинкаси қуриётувди...



Устига-устак, бирданига ўзини “мухолифат” деб эълон қилган шуҳратпарамлар, сохта демократлар ўшанда иқтисодий қийинчилик, ишсизлик оқибатида одамларда алантга олиб бораётган норозилик кайфиятларидан фойдаланишга, тўстўполнонни бошлаб беришга ҳаракат қилишарди.

Яна бир нарсага эътибор қилинг, ўша кунлари Бишкекда бир килограмм ун 17 рублга, бир буханка нон 9-10 рублга чиққанди. Бизда эса ўшандаям ун, нон барибир нисбатан арzon эди. Чунки биз, ўша оғир кунларданоқ одамларга, хўжаликларга иқтисодий эркинлик бериш тўғрисида ўйладик. Ҳали шўро ҳукумати давридаёқ собиқ марказдан сўрамасдан қишлоқ одамларига томорқа учун ер берила бошланганди. Бу — чинакам жасоратли қадам эди. Натижада, одамларнинг — ҳар бир индивиднинг давлатга қарамлиги тутатилиб, ер олган киши даромад ола бошлади, ўзини хўжайин деб, эркин деб, мустақил деб ҳис қила бошлади.

Кейин-кейин иқтисодий усуллар — харид нархларини ошириш йўли билан одамларни рафбатлантириш, “пахта якка ҳокимлиги”дан қутилиб, бўшаган майдонларга кўпроқ галла, дон экиш сиёсатини амалга оширишга кирищдик. Ўша даврда четдан келтирилган бир тонна фалла йўл харажатлари билан бирга 190 АҚШ долларига туشاётувди! Мамлакатда дон мустақил-



лигига эришиш шиори ўртага ташланди. “Республика бўйича 40 центнердан галла олиш, бу — кўлимииздан келадиган вазифа,— деган фоя билан чиқди Президентимиз.— Ахир, қачонгача олтинимиз, пахтамиз эвазига четдан фалла олиб келамиз. Токи, фалла мустақиллигига эришмас эканмиз, иқтисодий мустақиллик ҳақида гапириш ортиқча”.

1994 йилда 2,7 миллион тонна ёки 1991 йилга қараганда 44 фоиз кўп дон етиштирилди. 1995 йилда барча турдаги хўжаликларда 4,4 миллион тоннадан ортиқ дон, шу жумладан 3,5 миллион тоннадан ортиқ бошоқли дон етиштириш мўлжалланди. Бунга эришдик ҳам. Ўша йили пахта ва ём-хашак экинларидан бўшатиб олинган ерлардан фойдаланиш ҳисобига дон сепиладиган майдонлар ҳажми 1 миллион 472 минг гектарга етказилди. Бунинг 972 минг гектари сугориладиган майдонлар эди...

Тўғри, кейинги йилларда табиий қийинчиликлар бўлди. Кургоқчилик — ерни ҳам қийнади, элни ҳам. Ҳосилдорлик пасайиб кетди, бир қадар кўзланган мақсадларга эришилмади, қолаверса, техника воситалари ва минерал ўғитлар етишмаган пайтлар бўлди. Лекин, сабрли, қаноатли ҳалқмиз. Ҳаммасига чидадик. Ҳар қандай ҳолатда ҳам умид билан тер тўқавердик.



Биргина Мустақилликнинг 11 йиллигига қиз-
ғии ҳозирлик кўрилаётган кезларни эсланг: 10
июлгача давлат эҳтиёжлари учун 2 миллион 400
минг тоннадан ортиқ фалла харид қилинди. Шун-
дан сўнг, дәҳқонларимиз 4 миллион 300 минг
тонналик мэррани кўзлашди. Пировардида, ўрим-
йифим охирига бориб, аҳоли томорқаларида
етиштирилган фаллани ҳам қўшиб ҳисоблаганды
5 миллион тонна атрофида дон йиғишириб
олинди.

“Республикамиз дәҳқонлари учун бу йил чи-
накам “фалла йили” бўлди, — деб ёзишди ўшан-
да Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув
хўжалиги вазирлиги Матбуот хизмати хабарно-
масида. — Муваффақиятлар замирида, аввало,
она ерга меҳрини берган фаллакорларимизнинг
жасоратли меҳнати, иқтисодий ислоҳотларни
чукур англаш, соҳада замонавий илфор техно-
логияларни жорий этиш, селекция ва уругчи-
лик ишларини тўғри йўлга қўйиш, турли туп-
роқ шароитига мос фалла навларини оқилона
жойлаштириш каби машаққатли саъй-ҳаракат-
лар мүжассам.

Мустақиллик йилларида пахтачилик билан бир
қаторда қишлоқ хўжалигининг барча соҳаларига
бирдек эътибор қаратилди. Дастлабки йилларда
770,2 минг гектар ерга бошоқли дон экинлари



Экилиб, ўртача ҳосилдорлик 15 центнер атрофида — 1 миллион тонна дон етиштирилган бўлса, бу кўрсаткич йил сайн юксалиб борди. 1996 йилги мавсумда республика тарихида илк бор 1 миллион 200 минг гектар сугориладиган майдонга бошоқли дон экинлари экилди ва гектар бошига ўртача ҳосилдорлик 22,6 центнерга етди. Олиб борилган илмий изланишлар, илгор хўжаликлар ва деҳқонларнинг амалий тажрибалари республикамизда сугориладиган майдонларда ҳосилдорликни 40—45 центнерга етказиш имкониятлари мавжудлигини кўрсатди.

Тармоқда қўлга киритилган ютуқларни ҳар бир вилоят мисолида кўриш мумкин. Бухоро ва Самарқанд вилоятлари деҳқонлари уйган хирмон, айниқса, баракали бўлди. Бухоролик фаллакорлар давлат қабул пунктларига ҳозиргacha 140 минг тоннадан ортиқ дон топширдилар. Мавсум давомида далаларда 98 та “Кейс” ва бошқа комбайнлар юқори унум билан ишлатилиди. Ромитон, Шоғиркон, Бухоро туманларида ҳосилдорлик гектар бошига 47—51 центнерни ташкил этди.

Самарқанд вилоятининг Каттакўрғон, Жомбой, Иштихон туманларида ҳар гектар майдондан 51—52 центнердан хирмон кўтарилиди ва вилоятнинг ялпи хирмон салмоғи 232 минг тонна-



га етказилди. Вилоятда сүфориладиган майдонлардан 50 центнердан юқори, лалми ерлардан эса 10 центнердан зиёд дон йифишириб олинди. Бу каби мисолларни мамлакатимизнинг барча вилоятлари ва туманларидан ҳам кўплаб келтириш мумкин.

Шу кунларда фаллакорлар ялпи хирмон салмоғини 4 миллион 300 минг тоннадан ошириш учун астойдил ҳаракат қилмоқдалар...”

Тасаввуримда, ҳозир мамлакатимизнинг олисолис қишлоқлари ҳовлиларида гуруллаб ёнаётган оловлар, бозиллаган чўгда қизиган тандирлар, уларнинг деворлариға қўлларига рапида кийиб олиб, нон ёпаётган уй бекалари, қип-қизариб пишган баркашдек-баркашдек нонларнинг узиб олинаётгани — ҳамма-ҳаммаси жонланаяпти. Оналаримиз, опа-сингилларимиз ва янгаларимизнинг гўдакларини суюнтириш учун ёпган тешик кулчалари ҳам кўз олдимга келаяпти.

Кўпчилигингиз “Тошкент — нон шахри” деган (Александр Неверов қаламига мансуб) китобни ўқиган бўлсангиз керак. Китобда ёзувчи шўро инқилобидан кейин — 20-йиллар очарчилигини Волга бўйилик бир деҳқон оиласи мисолида ўта даҳшатли тасвирлайди: “Бобоси ўлди, бувиси ўлди, кейин отаси ўлди... Онаси очликдан касалга чалинди... Эртаю кеч йиғлайди, оч-



ликнинг эса сира-сира раҳми келмайди. Шу кунларда ўлди-ўлди қўпайиб кетган. Гоҳ куни битта, гоҳ куни иккита ўлик қабристонга олиб борилади. Михаил амаки ҳам, Марина хола ҳам вафот этди. Ҳар хонадонда ўлик кўмиш учун тайёргарлик боради. От ва сигирларни еб бўлишгач, навбат ит ва мушукларга келди...”

...Мана, худди шу ерда боя биз эслаган эпизодда айтилган: “ғалласи бор уйнинг — алласи ҳам бор” деган гапнинг мағзини чаққандек бўласиз. Демак, нон бор уйда — очлик йўқ, йифи йўқ. Гўдакларнинг қорни тўқ, бешикларида тинч ухлашяпти, уларга алла айтилаяпти...

Доно халқимиз ҳар доим бирор нарсага ихлос билан търиф берса; “нондек азиз”, “нондек мўътабар”, “нондек муқаддас” дея “НОН” сўзини албатта қўшиб айтади... Мурфак гўдакнинг ҳам тилига келган илк сўзларидан бири — “нанна” — нон бўлади.

Баъзида чойхоналарда, ошхоналарда одамлар овқатланиб бўлиб, ортиб қолган нон бурдаларини у ерда қолдирмай, ўзи билан бирга олиб кетаётганини кўрсангиз, тўғриси, суюниб кетасиз. Чунки, ўша одам ҳеч қачон “нонга пулим кетган” деган важ билан эмас, мутлақо бундай эмас, аксинча, нонни дунёнинг энг азиз ва буюк мўъжизаси деб билгани, улуғлагани, увол қил-



маслик кераклигини тушунгани учун ҳам шундай қиласи. Тўғри қиласи! Ноннинг ушоғи ҳам нон, ахир! Шу маънода, доннинг донаси ҳам дон дегинг келади, беихтиёр.

Мамлакатимиз Гербига қаранг: фалла бошоги тасвири туширилган. Бу ҳам ўзбек халқининг, ўзбекистонликларнинг фаллага, донга, нонга алоҳида ҳурмат, муҳаббат, эътиқод билан қараши ифодаси эмас-ми?.

Одамлар коинотга чиқди, дарёларни жиловлади, компьютерларни ўйлаб топди, роботлар яратди, ер қаъридан маъданлар олди, денгизлару океанларни забт этди... Фалла эса фалалигича қолди. У — инсониятнинг энг биринчи ҳаёт манбай ва иқтисодиётнинг асосий негизи бўлиб қолаверади.

Кўҳна тарих қаърига чуқурроқ кириб, Туркистон, Сибирь ўлкалари халқларининг ўтмиш кунларига бир нигоҳ ташланг. “Турксиф йўллари”да хаёлан кезинг-у сўзни мозийдан бошлаган академик шоиримизFaфур Fуломга беринг:

Беш миллион,
Ўн миллион,
Юз миллион нафар,

Ер тўймагунча,
эл тўймас.

Ўзбек халқ мақоли



Куллар ва туллар,
Гарданда чўяндан куйилган
занжир,
Ерларда ҳашорат каби
очликдан,
зорлиқдан гезариб лаби,
Ожиз,
маҳкум,
хор ва бетадбир;
— Нон, — дея
— Нон, — дея
Суруниб кечмишдир...

... Неча-неча миллион киши шаҳид кетган Иккинчи жаҳон уруши йилларини олинг... Очлик ва хорлик азобини қамалда қолган Санкт-петербургликлардан сўранг... Ёки истеъододли бир ҳамкасбимизнинг нон шаънига ёзган мадҳиясидаги мана бу сатрларни энтикиб-энтикиб ўқинг:

“Нон ҳиди... Таърифларга муҳтож эмас. Кимки унинг қудратига ишонмас экан, бир бурда нон учун азиз умри остоналарда кечган, истибдод азобларини чеккан боболарнинг мозий кунларига назар солсин. Кимки мозий ҳақиқатига шубҳа билан қараса, “туғилган-у, лекин ризқи туғилмаган” жамиятда дунёга келган инсонлар ҳаётига кўз ташласин. Бир бурда нон ва ёлғиз қорни учун кўзини сотган хорижлик қизнинг



қисматини ўйласин. Дунёнинг нечоғли аҳолиси ҳозиргача тўйиб овқат емаслигини тасаввур қиласин. Бу қисмат нимадан, нондан эмасми...”

Баъзан бозорларда, дўконларда қулоғимизга айрим кишиларнинг “нон қиммат бўлиб кетди” — деган ношукурлиги ҳам чалиниб қолади. Шундай кезларда: “йўқ, оғайни, нон қиммат эмас, унга қўйилган нарх асло унинг нархи — баҳоси эмас, балки, унинг донини экишдан тортиб, то нон ҳолига келгунича (парвариши, ўриб олиниши, янчилиши, тегирмонда тортилиши, савдоға чиқарилиши, хамир қилиб қорилиши, тандирга ёпилиши ва ҳоказо жараёнларга) кетган меҳнатнинг нархи... Ноннинг эса нархи ҳам, баҳоси ҳам йўқ. У хусусан бизнинг мустақил ўлкамизда энг арzon ва энг қадрли неъмат. У — қисмат, у — тақдир, у — ҳаёт!” дегинг келади.

Шу боиски, уни биз нархи важидан эмас, аксинча, башарият тириклигининг энг азиз ва буюк мўъжизаси бўлгани учун улуғлаймиз, қадрлаймиз. У шундай улуф неъматки, балки шунинг учундир, инсон туғилиб, то кўз юмгунга қадар ёлғиз нонгина кўнгилга урмайди. Балки шунинг учундир, у озиқ-овқат аталмиш барча нознеъматларнинг тожи, мезони бўлиб қолаверади...

Шуларнинг ҳаммасини ўйласам, Мустақилликнинг қадрини чуқурроқ тушуниб олавергандек, Мустақиллик берган энг олий неъматлар-



дан бири — Фалла мустақиллиги ва бу мустақилликнинг ижодкори, Юртбошимизнинг бундан ўн бир йил муқаддам фалла мустақиллиги foяси ҳақида куйиниб айтган гаплари мазмунмохиятини янада теранроқ англагандек бўлаверман:

“Аввал, одамларнинг қорнини тўқ, устини бут қиласайлик. “Аввал иқтисод, кейин сиёсат” деганларидек, оч одам мусиқани ҳам қорни билан эшигади. Қулоғига гап кирмайди...”

Нурота тизма тоғларининг узоқ қишлоқларидан бири — Оҳчобода Бообой ота Чилғашев деган киши бўларди. Раҳматлини ҳамма ҳурмат қиласади. Бутун умри қаттиқчиликда ўтган, Иккинчи жаҳон уруши жангларида қон тўккан, бир неча бор ярадор бўлган марҳумнинг бир ҳикояси ёдимда қолган: “Уруш йиллари биз фақат икки нарсани ўйлардик: Тирик қолиш насиб этармикин? Уйга қайтиб, бола-чақаларимиз билан биргаликда тўйиб-тўйиб нон ермиканмиз...”

...Қаранг-а, ота орзу қилган кунлар ҳам келди. Истиқлолда ўтган кейинги ўн икки йилдирки, биз ўша орзули кунлар шоҳидимиз, соҳибимиз! Мамлакатимиз Фалла мустақиллигига эришиди! Хирмонларимизга фалла уюлиб, омборларимиз донга тўлди, тандирларимизда пешма-пеш нон ёпилиб, дастурхонларимиз уззу-кун тўкин ва сочин...



...Яна кўз олдимда ҳар бир ўзбек хонадони-
нинг қазноқлари тўла дон гавдаланаяпти... Бе-
шиклар устида аллалар айтилаяпти... Тўйларда
яллалар янграяпти.

Фалла мустақиллигинг бор бўлсин, Юртим!

*Номоз САЪДУЛЛАЕВ,
Ўзбекистонда хизмат
кўрсатган журналист.*





ҲАЁТ ҚЎШИФИ

Сифмас соҳилига
суман Саратон,
Ердан кўкка қадар буюк бир дала.
Бахмал амлокидан
дон териб, ҳар тонг
Осмон тандирига нон ёпар Фалак.

Она Ўзбекистон
маъволарида
Олтиндек товланар буғдој хирмони.
Бошоқ парвоз этар
куш тумшуғида,
Тинмас чумолилар юкли карвони.

Ҳар ёнда тўкинлик,
кушойиш, кенглик,
Тангри аямади оби раҳматин.
Мулку дафинага
эр-эгаменлик
Уйфотди дехқоннинг рушду рафбатин.

Замона ҳикмати,
фикр гавҳари:



“Асл эгасига мулк ила ер бер.
Ўзи тўқу обод
бўлгани сари
Юртини ҳам обод айлагай фермер”.

Кечаги гапларни
мижғиса нодон,
Силки этагингни, гапни чўртта кес.
Ўзбек дәҳқонининг
измида, не тонг,
Тулпор каби кишнар замонавий “Кейс”.

О, бу қадим тупроқ.
Бағрида яшар
Фарҳод тешасининг ярқироқ изи.
Асрлар қаърига
туташиб кетар
Қайроқи буғдойнинг попук илдизи.

...Сифмас соҳилига
суман Саратон,
Ердан кўкка қадар буюк бир хаёл.
Тандирга камондай
эгилиб, ҳар тонг
Қуёшдек қирмизи нон узар Аёл!

Саъдулла ҲАКИМ





МУНДАРИЖА

Ўзбекистон фаллакорларига	3
Кириш	6
Президент И. Каримовнинг Вазирлар Маҳкамаси- нинг 2003 йил биринчи ярим йиллиги якун- ларига багишланган мажлисдаги маърузасидан	9
<i>A. Орипов.</i> Ўзбек нони	11
<i>P. Ҳусанов.</i> Машаққатлар ортидаги қувонч	12
Сурхондарё вилояти фаллакорларига	29
<i>Ў. Раҳмат.</i> Мустақиллик буғдойпоялари	31
Далил ва рақамлар	55
<i>Э. Воҳидов.</i> Нон иси	57
<i>Қ. Асқаров.</i> “Деҳқонки дона сочар...”	59
Хоразм вилояти фаллакорларига	74
<i>M. Акрамов.</i> “Илгор технологияларга суюнамиз”	76
<i>F. Шермуҳаммад.</i> Қашқадарёнинг қирмизи хирмони	86
Андижон вилояти сайловчилари вакиллари билан учрашувда сўзланган нутқдан 1999 йил 17 декабрь .	104
<i>O. Номозов.</i> Маъруфжон фермер	105
<i>H. Саъдулаев.</i> “Тандир тӯлиб ёпилди нон...”	116
<i>C. Ҳаким.</i> Ҳаёт қўшиғи	132



Масъул муҳаррир:

Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ

Тўплаб нашрга тайёрловчи:

Ўткир РАҲМАТ

Ижодий гурӯҳ:

Рустам ШОҒУЛОМОВ,
Сайдулла ҲАҚИМ, Расулмат ҲУСАНОВ,
Шомуҳиддин МАНСУРОВ



МУСТАҚИЛ ЙОРТ ФАЛЛАСИ

Нашриёт муҳаррири *T. Назаров*

Рассом *O. Соибназаров*

Бадиий муҳаррир *Ҳ. Мехмонов*

Техник муҳаррир *У. Ким*

Компьютерда терувчи *Ш. Норхожиева*

Компьютерда саҳифаловчи *Л. Абкеримова*

Сурат муаллифлари: *Ф. Курбонбоев, Р. Шарипов,*

R. Шагаев, A. Мамадаминов

Босишига руҳсат этилди 9.09.2003 й. Бичими 60x90¹/₁₆.

Таймс гарнитурада оғсет усулида босилди.

Шартли босма табоги 8,5+1,5 (вкл.). Нашр табоги 5,66.

Алади 30000. Буюртма № K-147. Баҳоси шартнома асосида.

Нашр № 125—2003.

«Ўзбекистон» нашриёти.

700129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг

Тошкент матбаа комбинатида босилди.

700129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

The background of the entire image is a dense, golden-yellow field of wheat stalks, creating a textured and organic pattern.

УЗБЕКИСТОН